

**“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

А.Х. Жалилов

**«ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИ» ФАНИДАН
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

Тошкент-2015

1-мавзу. “Ишлаб чиқариш инфратузилмаси” фанининг предмети ва вазифалари

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” номли асаридан келиб чиққан ҳолда фаннинг вазифалари.
2. “Ишлаб чиқариш инфратузилмаси” фанининг мақсади ва вазифалари.
3. “Ишлаб чиқариш инфратузилмаси” фанининг мазмуни ва уни ўрганиш аҳамияти.
4. Бозор муносабатлари тизимида ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва уни ташкил этишнинг аҳамияти.
5. “Ишлаб чиқариш инфратузилмаси” курсининг бошқа фанлар билан алоқаси.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” номли асаридан келиб чиққан ҳолда фаннинг вазифалари.

2. “Ишлаб чиқариш инфратузилмаси” фанининг мақсади ва вазифалари.

Фанни ўқитишдан асосий мақсад иқтисодийнинг энг муҳим бўғини бўлган ишлаб чиқариш корхоналарини янада самарали фаолият юритишида инфратузилмани шакллантириш учун чуқур билим ва илмга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашдан иборат.

Бу фаннинг асосий вазифаси давлат томонидан ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантиришда амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти, аҳамияти ва мазмуни билан ҳам белгиланади. Улар жумласига қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқариш инфратузилмаларининг иқтисодий моҳияти ва уларни ривожлантириш, ишлаб чиқариш инфратузилма субъектлари ва уларнинг вазифаси, ҳолати ҳамда ривожланиш хусусиятларини ўрганиш, таҳлил этиш ва унинг истикболини белгилашда мустақил фикрлаш;
- ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ташкил этиш, бошқариш, самарадорлигини оширишнинг илмий ва амалий асосларини аниқлаш бўйича билим ва кўникма бериш;
- мамлакат ва унинг минтақаларда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш йўллари ва улардан самарали фойдаланиш;
- ишлаб чиқариш корхоналарида рўй бераётган фан-техника тараққиётининг аҳамияти ва моҳиятини очиқ бериш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати, рақобатбардошлигини таъминлаш, корхона фойдасини максималлаштиришга бевосита таъсир

этадиган инфратузилмани ривожлантиришга оид билим ва кўникма бериш.

Шу билан бирга бу фаннинг вазифаси ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожланган хорижий давлатларда қандай ташкил этилганлиги ва улар билан ўзаро иқтисодий интеграцияни таъминлаш вазифасини тушунтириб беришдан ҳам иборат.

3. “Ишлаб чиқариш инфратузилмаси” фанининг мазмуни ва уни ўрганиш аҳамияти.

Миллий иқтисодиётнинг асосий ўзагини ташкил этувчи ишлаб чиқариш корхоналари самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати, рақобатбардошлигини таъминлаш, корхона фойдасини максималлаштиришда муҳим ўрин тутувчи инфратузилмаларнинг иқтисодий мазмуни “Ишлаб чиқариш инфратузилмаси” курсининг таркибий қисмларини ташкил қилади.

Шунинг учун “Ишлаб чиқариш инфратузилмаси” фани умумқасбий фанлар блокининг асосий фанларидан бири ҳисобланади.

4. Бозор муносабатлари тизимида ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва уни ташкил этишнинг аҳамияти.

Мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизациялаш жараёнлари йилдан-йилга жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Жумладан, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Бугун мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, иқтисодиётимизнинг сифат жиҳатидан янги, замонавий таркибий тузилмасини шакллантириш, ҳудудларимизни комплекс ривожлантириш бўйича барча режаларимизнинг муваффақиятли амалга оширилиши инфратузилма тармоқларини юксак суръатлар билан ривожлантиришга узвий боғлиқ экани ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.”¹.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган муҳим ишлар сирасига ишлаб чиқариш инфратузилмасини янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кўплаб амалий тадбирларни киритиш мумкин. Айни соҳани янада ривожлантириш масаласи сўнгги йилларнинг муҳим вазифалари сафига киритилмоқда.

Шу нуктаи-нуктаи назардан “Ишлаб чиқариш инфратузилмаси” курсини ўқитишда асосий мақсад қилиб, бугунги кун талаблари доирасида талабаларга ишлаб чиқариш инфратузилмасини миллий иқтисодиётни

¹ И.А.Каримов. “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”: 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 2013 йил 19 январ, №13 (5687).

ривожлантиришдаги ўрни, ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришда давлатнинг роли ҳамда уни янада ривожлантиришнинг назарий-ҳуқуқий асосларини ўргатиш қўйилган. Бу курснинг ўқитилиши орқали талаба ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришда инфратузилманинг зарурлиги тўғрисидаги билимлар билан танишади. Мазкур курс уларга ишлаб чиқариш инфратузилмасининг иқтисодий қонунлари, ҳодиса ва жараёнларининг моҳиятини чуқур ва ҳар томонлама тушунишда зарур бўлган услубий ёндашувларни ўзлаштиришда аҳамиятли ёрдам беради.

5. “Ишлаб чиқариш инфратузилмаси” курсининг бошқа фанлар билан алоқаси.

“Ишлаб чиқариш инфратузилмаси” фани асосий тармоқ ва соҳа фани ҳисобланиб, ўқув жараёнининг 2 семестрида ўқитилади. Режалаштирилган гуманитар ва ижтимоий (иқтисодий назария, иқтисодий таълимотлар тарихи), математик ва табиий-илмий (иқтисодий-математик усуллар ва моделлар, иқтисодий география ва экология), умумқасбий (микроиқтисодиёт, статистика, макроиқтисодиёт, меҳнат иқтисодиёти ва социологияси, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар, маркетинг, хорижий инвестициялар) ва ихтисослик фанлар (саноат иқтисодиёти, фан-техника тараққиёти иқтисодиёти, корхона иқтисодиёти) фанларидан етарлича билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

Назорат учун саволлар:

1. “Ишлаб чиқариш инфратузилмаси” фанининг мазмуни, мақсади ва асосий вазифалари нимада?
2. “Ишлаб чиқариш инфратузилмаси” фанининг моҳияти қандай ва у қайси бошқа фанлар билан алоқада?
3. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришда инфратузилманинг аҳамияти ва ташкил этиш зарурлигини гапириб беринг.

2-мавзу. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда ишлаб чиқариш ва унинг таркиби

Режа:

1. Миллий иқтисодиёт ва уни ривожлантиришнинг зарурияти.
2. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда ишлаб чиқаришнинг роли.
3. Ишлаб чиқариш таркиби ва уларни ривожлантириш.
4. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш тамойиллари.
5. Иқтисодиётнинг реал сектори.
6. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда давлат сиёсати.

1.Миллий иқтисодиёт ва уни ривожлантиришнинг зарурияти.

Миллий иқтисодиёт - бу маълум бир давлат ҳудудида тарихан ташкил топган, мақсад ва меҳнат тақсимооти билан боғлиқ бўлган тармоқлар йиғиндисидир.

Ягона тизим сифатида миллий иқтисодиёт ўзига хос бўлган муносабатлар яъни бошқарув тизими, умумиқтисодий инфратузилма ва мустақил қонунчиликка эга бўлган мустақил давлатчиликни тақозо қилади.

Миллий иқтисодиёт - бу тармоқлар хусусиятини бирлаштирган, мужассамлаштирган мажмуа ҳисобланади.

Миллий иқтисодиёт - бу мамлакат ҳўжалиги, унинг таркиби ҳамда айрим элементларини ўзаро боғлиқлигидир.

Миллий иқтисодиёт иқтисодий фаолият натижасида шаклланади ва ривожланади.

Иқтисодий фаолият – бу моддий ва маънавий неъматларни яратиш, хизматлар кўрсатиш, истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган ҳатти-ҳаракатлардир.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий омиллари

1. Мақсадли дастурларни амалга ошириш;
2. Инфратузилмани шакллантириш (сув, газ, электроэнергия, транспорт, ва бошқалар);
3. Саноат соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;
4. Маҳаллий хомашёни қайта ишлаш соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;
5. Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва бозорни маҳаллий маҳсулотлар билан таъминлаш;
6. Халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш ва улар билан бозорни тўла қондириш;
7. Қурилиш материаллари индустриясини ривожлантириш;
8. Саноатни ривожлантиришда банк кредитлари таъсирчанлигини ошириш;
9. Саноатни ривожлантиришда қўшма корхоналарнинг улушини ошириш;
10. Маҳаллий хомашёни қайта ишлаш;

11.Маҳаллийлаштириш дастури ва Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси доирасида яратилган имтиёз ва преференциялардан кенг фойдаланиш;

12.Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти кўламини кенгайтириш, кичик корхоналар маҳсулотларини экспортга йўналтиришга кўмаклашиш.

Иқтисодий фаолиятни ўрганишда замонавий технологияларни ривожланганлик даражаси, инвестицион ва инновацион сиёсатини ривожланиши ҳамда умуммиллий кўрсаткичларни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар бир давлат маълум бир соҳа ёки умуман иқтисодий фаолиятни муваффақиятли ривожлантиришни у ёки бу шароитларини яратади. Бу ўз навбатида мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётида маълум ўрин эгаллашида катта аҳамият касб этади.

2.Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда ишлаб чиқаришнинг роли.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётнинг асосини ташкил этувчи ишлаб чиқариш соҳасига ҳозирги кунда алоҳида эътибор берилмоқда. Ушбу соҳанинг энг асосий тармоғи саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ва коммуникация ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва унга шароит яратиш лозим.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш зарур:

1. Бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асослари ва ижтимоий муҳитни яратиш.

2. Мулк дахлсизлигини таъминлаш.

3. Рақобат ҳалоллигини сақлаш ва уни ҳимоя қилиш.

4. Даромад ва миллий бойликларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш.

5. Миллий маҳсулот таркибини яхшилаш мақсадида ресурслар тақсимотини тартибга солиш, устувор йўналишларни белгилаш.

6. Иқтисодиётни барқарорлаштириш, иш билан таъминлаш, инфляция жараёнларини назорат қилиш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;

7. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ўтиш даврининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тегишли чора-тадбирлар, хусусан аҳолининг маълум бир табақаларини ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш.

8. Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш босқичларининг узвийлигини таъминлаш.

9. Республика аҳолисининг таркибий ўсиш суръатлари ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда янги иш жойларини ташкил этиш, аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнат биржалари ва меҳнат бозорларини ташкил этиш. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш.

10. Истеъмол бозорининг ҳимоясини ташкил этиш.

11. Миллий пул бирлиги курсининг қатъийлигини таъминлаш ва бошқалар.

4.Ишлаб чиқаришни ривожлантириш таъминлари.

5.Иқтисодиётнинг реал сектори.

6.Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда давлат сиёсати.

Назорат учун саволлар:

1. Миллий иқтисодиёт ва уни ривожлантиришнинг заруриятини гапириб беринг.
2. Миллий иқтисодиётни ривожланишида ишлаб чиқаришнинг роли нимада деб ўйлайсиз?
3. Ишлаб чиқариш таркиби ва уларни ривожлантириш тўғрисида нима дея оласиз?
4. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда давлат қанаца сиёсатни олиб боради?
5. Ишлаб чиқариш корхоналари инфратузилмаларини яратиш ва ривожлантиришнинг қандай асосий йўналишлари мавжуд?

3-мавзу. Ишлаб чиқариш инфратузилмаларининг иқтисодий моҳияти ва уларни ривожлантириш. Ишлаб чиқариш инфратузилма субъектлари ва уларнинг вазифаси

Режа:

1. Ишлаб чиқариш инфратузилмаларининг иқтисодий моҳияти.
2. Ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ташкил этишнинг объектив зарурлиги.
3. Ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш механизмлари ва воситалари.
4. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари ва субъектлари.
5. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси кўринишлари.
6. Ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ташкил этиш шакллари.
7. Ишлаб чиқариш инфратузилма турларига таққослама тавсиф.

1.Ишлаб чиқариш инфратузилмаларининг иқтисодий моҳияти.

Инфратузилма – бу ҳар қандай яхлит иқтисодий тизим ва тузилмаларнинг мавжуд бўлиш шарти ҳисобланган таркибий қисмидир. Сўзма-сўз ифодалаганда, инфратузилма – бу иқтисодий тизимнинг асоси, пойдевори, ички тузилмаси маъноларини ифодалайди.

"Инфратузилма" атамаси лотинча "infra" - қуйи, ости; "structura" - тузилма, жойлашув сўзларидан пайдо бўлган.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг асосий моҳияти «ишлаб чиқаришнинг умумий шарт-шароитларини яратиш», «асосий ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш» каби вазифаларни бажариш билан белгиланади.

2.Ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ташкил этишнинг объектив зарурлиги.

Инфратузилма мажмуига кирувчи соҳалар иқтисодий жараёнларга турлича таъсир кўрсатади ва ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида ўзига хос ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи-назардан ҳам ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш объектив зарур ҳисобланади.

Чунки, Ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибан моддий неъматлар ишлаб чиқарувчи тармоқ ва корхоналарга ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмолчига етказишга, тайёрлаш, сақлаш, ўраш, қадоқлаш ёки жойлаштириш, товар жойланадиган ёки ўраладиган идишлар билан таъминлаш, ташиш, таъмирлаш ҳамда сотиш каби хизматлар кўрсатувчи, уларнинг тўхтовсиз ва самарали фаолият юритишини таъминловчи ташкилот ва корхоналар мажмуини ташкил этади.

3.Ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш механизмлари ва воситалари.

4.Ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари ва субъектлари.

Ҳар қандай ишлаб чиқариш инфратузилмаси асосини бошқариладиган объект ва бошқарувчи субъектлардан ташкил топади.

Бошқариладиган ва бошқарувчи тизимлар ўртасидаги алоқа ишлаб чиқариш корхоналари билан инфратузилманинг ўзаро муносабатларидан ташкил топади.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасини бошқариш 2 турда амалга оширилади:

- Объектларни бошқариш орқали;
- Субъектларни бошқариш оқали.

Ишлаб чиқариш инфратузилма объектларига темир йўл линиялари, автомобиль йўллари, вокзаллар, кўприк ва тоннеллар, электр узатиш линиялари, ичимлик суви тармоқлари, телекоммуникация тармоқлари, телекоммуникация иншоотлари, логистика марказлари, суғурта компаниялари, фонд биржалари, тижорат банклари, лизинг компаниялари, касаба уюшмаларини мисол келтиришимиз мумкин.

Ишлаб чиқариш инфратузилма субъектлари (бошқарувчилар)га “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК, “Ўзкоммунхизмат” агентлиги, “Ўзбекэнерго” ДАК, “Узавтойўл” ДАК, “Ўзтрансгаз” АК; “Ўзнефтьмахсулот” АК, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ва бошқаларни киритишимиз мумкин.

5.Ишлаб чиқариш инфратузилмаси кўринишлари.

Шу нуқтаи-назардан ҳам, ишлаб чиқариш инфратузилма мажмуасини, унинг турлари ва шакллари муҳим белгилари ҳамда хусусиятларини таснифлаш, алоҳида унсур ва йўналишларини ўрганиш ишлаб чиқариш жараёнини ривожланишига имконият яратади.

Шунга кўра, илмий манбаларда бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш инфратузилмасининг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтилади:

- транспорт;
- алоқа ва коммуникация;
- ёқилғи-энергетика;
- молиявий инфратузилма;
- коммунал хизмат кўрсатиш инфратузилмаси.

6.Ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ташкил этиш шакллари.

Товарлар, ишчи кучи ҳамда молиявий воситаларнинг миллий чегаралар орқали тўхтовсиз ўсиб боровчи ҳаракати ҳозирги даврга келиб жаҳон инфратузилмасининг ривожланиши ва такомиллашувини тезлаштиришга замин яратди. Натижада иқтисодиётнинг глобаллашуви юзага келди.

Бу эса миллий иқтисодиётни ривожланишида ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ташкил этиш ва ривожлантиришни долзарб масалага айлантирди.

Натижада қўйидаги инфратузилмаларни ривожлантириш давлатнинг устувор вазифаларидан бирига айланди.

ижтимоӣ инфратузилма – функционал жihatдан аҳолининг бир маромда яшашини таъминлайдиган сохалар ва корхоналар мажмуаси;

транспорт инфратузилмаси – транспортнинг сохалар ва корхоналар мажмуаси;

муҳандислик инфратузилмаси – бинолар ва иншоотларни муҳандислик – техник таъминоти тизими;

иқтисодий инфратузилма – ишлаб чиқаришга ва умуман хўжалик фаолиятга хизмат кўрсатадиган сохалар ва фаолият турлари мажмуаси;

ахборот инфратузилмаси – сохаларни фаолият кўрсатишини таъминлайдиган ахборот ташкилий тузилмалар тизими;

молиявий инфратузилма – объектлар ва алоҳида иншоотларнинг тизими.

Транспорт инфратузилмаси тизимнинг сохалар ва корхоналар мажмуаси бўлиб, юк ва йўловчилар ташишни ва уларнинг амалга оширилишини ҳамда уларга хизмат кўрсатилишини таъминлайди.

Цивилизациянинг бутун ривожланиши инсонларнинг коммуникацияларга ва алоқа боғлашга интилиши билан ифодаланади. Шунинг учун ҳаракатланиш имкониятлари инсоният ривожланиши учун ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Одамларни ва товарларни ҳаракатланиши транспорт функцияларни ижро этилиш орқали амалга ошади. Унинг ривожланиши ҳар бир ҳудуднинг ривожланиш даражасини ифодалайди. Ушбу қоида кичик қишлоқлардан тортиб, улкан минтақаларга ҳам таълуқлидир.

Муҳандислик тармоқлари. **Муҳандислик** – техник таъминоти тармоқлари (коммуникациялари) истеъмолчиларни (аҳоли, коммунал-маиший ва саноат корхоналари) меъърий фаолият кўрсатишини таъминлайдиган тизимлар ва коммуникациялар мажмуидир.

Муҳандислик инфратузилма тизими қўйидагилардан иборат:

- электр таъминотининг ташқитармоқлари (электр узатиш тармоқлари, трансформатир ва тортиш пастки станциялари ва ҳаказолар);
- электр таъминотининг ички тармоқлари (кучланиши 380 Вгача бўлган уй-жойлар тизими);
- иссиқлик таъминотининг ташқи тармоқлари (шаҳарлар ва даҳалар иссиқлик тизимлари, иссиқлик пунктлари);
- иссиқлик таъминотининг ички тармоқлари (бино ва иншоотларнинг иссиқ сув ва иссиқлик таъминоти тармоқлари);
- сув таъминоти ва сувни қочиришнинг ташқи тармоқлари (сув таъминоти манбалари, гидротехник иншоотлар, сув ва оқова сувларини

тозалаш станциялари, коллекторлар, насос станциялари, даҳаларнинг ички тармоқлари);

- сув таъминоти ва сувни қочиришнинг ички тармоқлари (бино ва иншоотларнинг сув таъминоти ва сувни қочиришнинг тармоқлари);
- шамоллатиш ва ҳавони кондиционерлаш тизимлари (жамоат ва турар – жой бинолари ҳамда иншоотларини, муҳандислик таъминоти объектларни шамоллатиш ва ҳавони кондиционерлаш тизимлари);
- ташқи ёритиш тармоқлари (кўчаларни, йўлларни, витриналарни, стендларни ёритиш ва уларга алоқадор 10 кВ ва ундан паст кучланишли электр узатиш тармоқлари).
- газ таъминоти тармоқлари (газ тақсимлаш пунктлари, босимни маромлаш мосламалари, фильтрлар, сақлаш клапанлари, хисоблагичлар, газ узатгичлар ва ҳаказолар);
- алоқа ташқи тармоқлари;
- алоқа ички тармоқлари (телефон тармоқлари, кабеллар тизими, автоматик диспетчерлик бошқаруви тизими ва ҳаказо).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги “2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида” ги ПК-1446 сонли қарори билан 2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишлари этиб қўйидаги вазифалар белгиланган:

- хорижий ва ички молиялаштириш манбаларини, замонавий технологияларни жалб этиш кўламини кенгайтириш, қурилиш ва индустриал ишлаб чиқариш комплексларини янгилаш асосида транспорт коммуникациялари, замонавий телекоммуникация тизимлари, муҳандислик инфратузилмаси объектларини комплекс равишда ва илдам ривожлантириш ҳамда қуриш;
- республиканинг барча минтақаларини пухта бирлаштирадиган ягона миллий автомобиль транспорт тизимини яратиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш, Ўзбекистон миллий магистрали таркибига кирадиган, халқаро стандартларнинг юксак талабларига жавоб берадиган, замонавий цемент-бетон ва асфальт-бетон қопламалар билан таъминланган тўрт полосали йўл участкаларини қуриш ва реконструкция қилишни кенгайтириш, Қамчиқ довонидан ўтадиган автомобиль йўлларини реконструкция қилиш;
- республиканинг темир йўл транспортини жадал ривожлантириш ва модернизация қилиш, темир йўллар реконструкциясини амалга ошириш, Тошкент - Самарқанд юқори тезликдаги темир йўл линиясини жиҳозлаш ҳамда ишга тушириш, Бухоро ва Қарши шаҳарларигача бўлган темир йўл участкаларини электрлаштириш, ҳаракатдаги темир йўл таркибини замонавий юқори унумли локомотивлар, юк ташувчи ва йўловчиларга мўлжалланган вагонлар билан янгилаш.

7.Ишлаб чиқариш инфратузилма турларига таққослама тавсиф.

Ишлаб чиқариш инфратузилма тизими фаолиятини таҳлил этиш, баҳолаш ҳамда истиқболларини белгилаб бориш бевосита миллий корхоналарни ривожлантириш учун замин яратади.

Шунинг учун ҳар йили мамлакат миқёсида мавжуд инфратузилма фаолияти таққослама ўрганилиб, мавжуд муаммолар ҳал этилиб борилади.

Транспорт ташувларида бошқариш ва ташкил этиш системасини истиқболдаги ривожланиши:

1	«Ангрен логистика маркази» МЧЖни истиқболдаги ривожланиши		
-	Қўшимча контейнер майдонини қуриш ва жихозлаш	7,2 га	7,1 млрд.сум.
-	Автотранспорт воситалари ва автотигачларни харид қилиш	190 дона	31,1 млн.долл.
2	«Навои» халқаро интермодал логистика марказини жихозлаш:		
-	Автоуловлар харид қилиш	6 дона	1,0 млн.долл.
-	Юкловчи техникаларни харид қилиш	9 дона	2,5 млн.долл.

2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари:

Йўналиш номи	Лойиҳа қиймати	Лойиҳа сони
Дастурнинг умумий қиймати шу жумладан:	8504,0	85 та
- Автотранспорт системаси	3544,0	11 та
- Темир йўл транспорти системаси	2146,6	14 та
- Хаво йўл транспорти системаси	993,7	14 та
- Инженер коммуникация инфратузилмаси ва телекоммуникация системаси	1794,7	44 та
- Шаҳар электротранспорти паркинги янгилаш	24,9	2 та
Янги иш ўринлари яратиш – 14 394		

Назорат учун саволлар:

1. Ишлаб чиқариш инфратузилмаларининг иқтисодий моҳиятини тушунтиринг.
2. Ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ташкил этишнинг объектив зарурлигини гапириб беринг.

3. Ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантиришнинг қандай механизмлари ва воситалари мавжуд?
4. Ишлаб чиқариш инфратузилма объектлари ва субъектлари қайсилар?
5. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси кўринишларини гапириб беринг.
6. Ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ташкил этишнинг қандай шакллари биласиз?

4-мавзу. Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришда давлатнинг роли

Режа:

1. Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришда давлатнинг роли.
2. Маҳаллийлаштириш дастури ва унинг вазифалари.
3. Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришда давлат томонидан берилаётган имтиёзлар.
4. Давлат томонидан ҳудудий ва халқаро саноат ярмаркаларини ташкил этиш.

1.Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришда давлатнинг роли.

Ўзбекистонда барқарор ўсиш суръатлари ва аҳолининг юқори фаровонлигини таъминлаш, республиканинг халқаро майдондаги ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиши учун реал шарт-шароитларни яратувчи замонавий иқтисодиётни барпо этиш борасида кенг миқёсдаги муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш давлатнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жумладан:

- иқтисодиётни тубдан таркибий ўзгартириш;
- етакчи тармоқларни жадал модернизациялаш;
- мамлакат рақобатдошлигини ошириш;
- саноат ҳамда бошқа муҳим тармоқлардаги ишлаб чиқаришни диверсификациялаш;
- маҳаллийлаштириш дастури ва унинг вазифаларининг ишлаб чиқиш;
- миллий иқтисодиётни замон талабларига мослаштириш.

Миллий иқтисодиёт таркибидаги ишлаб чиқариш инфратузилмаси унинг барқарор ўсиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлайди.

Мамлакатда ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқлари қанчалик юқори даражада ҳамда замонавий талаблар асосида ривожланган бўлса, унга нафақат миллий, балки хорижий инвестициялар ҳам шунчалик жадал ва ишончли асосда кириб келади.

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси ривожланиши ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқликларни ифодаловчи объектив қонуниятлар ҳам мавжуд.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожланганлик даражаси ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Чунки, бугунги кунда ишлаб чиқариш инфратузилмаси унсурларининг етарли даражадаги фаолиятини йўлга қўймасдан туриб замон талабларига мувофиқ келувчи ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасида тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ҳолати, ривожланганлик даражаси маҳсулот ва хизматлар сифати ва таннархига, демакки, уларнинг рақобатдошлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси мамлакатдаги ижтимоий ҳолатга аҳамиятли таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси (автомобиль ва темир йўллари, кўприklar, аэропортлар, омборлар қурилиши, транспорт, электр ва алоқа тармоқлари, сув, газ таъминоти ва бошқалар)нинг ташкил этилиши, энг аввало, янги иш ўринларининг барпо этилиши ҳамда тегишли соҳа мутахассислари, муҳандис-техник ходимлари, ишчи ва хизматчиларига бўлган талабнинг ошишига олиб келади. Бу эса, иқтисодиётдаги конъюнктуравий ўзгаришлар, циклик тебранишлар даврида ишчи кучи бозоридаги мувозанатни таъминлашда муҳим дастак сифатида фойдаланишга имкон яратади.

2.Маҳаллийлаштириш дастури ва унинг вазифалари.

Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури.

Дастурнинг мақсади: экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни янада рағбатлантириш, ички тармоқ ва тармоқлараро, жумладан республиканинг кичик бизнес ва йирик корхоналари ўртасидаги саноат кооперациясини мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш.

Имтиёзлар:	Имтиёзлар:
Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар 2014 йилнинг 1 январигача:	<i>Импорт божлиқ</i>
четдан олиб келинадиган технология ускуналари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шунингдек республикада ишлаб чиқарилмайдиган, маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги технология жараёнида фойдаланиладиган компонентлар учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно);	<i>ҚҚС</i> <i>Акқиз тўлови</i>
маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан олинган даромад (фойда) солиғи, ягона солиқ тўлови (соддалаштирилган солиқ тизими қўлланиладиган субъектлар учун) тўлашдан;	<i>Даромад (фойда) солиғи</i> <i>Ягона солиқ тўлови</i>
маҳаллийлаштирилайдиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилинади.	<i>Мол-мулк солиғи</i>

3.Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришда давлат томонидан берилаётган имтиёзлар.

Экспортчилар учун рағбатлантирувчи омиллар ва имтиёзлар:

- Экспорт божхона божни бекор килинган
- Товарни четга чиқаришда ҚҚС нолга тенг
- Экспортерлар учун фойда солиғи, мулк солиғи ва КБ учун экспортнинг улчамига боғлиқ холда ягона солиқ пасайтирилади
- Текстил корхоналари 1 январь 2016 йилга қадар мулк солиғини тўлашдан озод этилганлар.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришда давлат томонидан берилаётган имтиёзлар – бир томондан корхоналар даромадининг барқарорлигини таъминлашдан, иккинчи томондан – корхоналарни республика учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантириш ҳамда хорижий инвестиция иштирокидаги экспорт қилувчи корхоналар сонини кўпайишига замин яратади.

Шу билан бирга давлат хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва оилавий тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш йўналишларида ҳам бир қанча вазифаларни амлга оширди.

4.Давлат томонидан ҳудудий ва халқаро саноат ярмаркаларини ташкил этиш.

Республика саноатининг тез ривожланиб бораётган тармоқлари учун зарур бўлган, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, савдо ва тўлов балансини мақбуллаштириш имконини берадиган бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, сарфланадиган материаллар ва қайта ишланган хом ашё захиралари ишлаб чиқарадиган маҳаллий корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, валюта маблағларини биринчи навбатда илғор технологиялар ва машина-ускуналарни импорт қилишга йўналтириш узоқ муддатли истиқболни кўзлаб саноатни янада ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаси ҳисобланади.

Назорат учун саволлар:

1. Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришда давлатнинг роли қандай?
2. Маҳаллийлаштириш дастури нима ва унинг асосий моҳияти қандай?
3. Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришда давлат томонидан қандай имтиёзлар берилади?
4. Давлат томонидан ҳудудий ва халқаро саноат ярмаркаларини ташкил этиш хусусида нима дея оласиз?

5-мавзу. Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари

Режа:

1. Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришдаги ислохотлар.
2. Инфратузилмани ривожлантиришдаги қонун ҳужжатлари.
3. Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ташкилий-ҳуқуқий асослари.

1.Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришдаги ислохотлар.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришдаги ислохотлар бевосита давлат томонидан ишлаб чиқилган, бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларни қуйидаги йирик гуруҳларга бўлиб ўрганамиз:

- мулкый муносабатлар соҳасидаги ислохотлар.
- аграр соҳадаги ислохотлар.
- молия-кредит соҳасидаги ислохотлар.
- ижтимоий соҳадаги ислохотлар.
- ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги ислохотлар.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришдаги ислохотлар бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилига асосан амалга оширилмоқда.

Бу ислохотлар натижасида қуйидаги муаммолар ечилиши кўзда тутилган:

1. Маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланиш даражасини ошириш;
2. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш;
3. Электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш;
4. Тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасини янада ривожлантириш ва уни ислох этиш натижасида катта имкониятлар пайдо бўлади. Чунки, Ўзбекистон дунёнинг 0,33 фоиз ҳудудини эгаллаган, жаҳон аҳолисининг 0,41% эга. Ўзбекистон улушига дунёнинг барча мамлакатларида қазиб олинаётган уран рудасининг 6%и, олтиннинг 3,4%и, табиий газнинг 2,2%и тўғри келади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг айрим турларини етиштириш бўйича ҳам дунёда етакчи ўринларни эгаллайди. Жумладан, Ўзбекистон ҳиссасига узум ва майиз экспорти 2,5-3%, томат пастаси экспорти 2-2,5%, қорақўл териси бўйича жаҳон ишлаб чиқаришининг тўртдан бир қисми, пахта хом ашёсининг 4%и тўғри келади.

Ўзбекистон кўплаб турдаги саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича дунёда салмоқли ўринга эга.

Масалан, қоракўл етиштириш ва экспорт қилиш бўйича 2 ўрин, пахта етиштиришда – 5-6 ўрин, уран казиб чиқаришда – 7 ўрин, вольфрам казиб олишда – 8 ўрин, олтин захиралари бўйича – 9 ўрин ва казиб олишда 9-ўрин олган.

2.Инфратузилмани ривожлантиришдаги қонун ҳужжатлари.

1) Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2009 йил 20 январдаги “Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1041-сон қарори ишлаб чиқариш инфратузилмаларини янада ривожлантириш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17 август 2012 йилдаги 247 сонли 2014-2015 йилларда «Ангрен» махсус индустриал зонасининг транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори.

3) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26 февраль 2014 йилдаги 56 сонли “Наманган вилоятида мультимодал логистика марказини ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 20 январдаги “Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1041-сон қарорига мувофиқ:

- Халқаро аҳамиятга эга умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича қўшимча ишлар Дастури тасдиқланди;

- Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини жадал қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш Дастури тасдиқланди;

- Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини илдам қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш Дастурини амалга оширишни таъминлаш бўйича Махсус Комиссия тасдиқланди.

Асосий молиялаштириш манбалари:

- Хўжалик бирлашмалари ва хўжалик субъектларининг ўз маблағлари;
- Тармоқлардаги махсус ривожлатириш фондлари маблағлари;
- Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва Тараққиёт Жамғармаси кредитлари;
- Тижорат банклари кредитлари;

Халқаро молиявий институтлар кредитлари

Халқаро аҳамиятга эга умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича қўшимча ишлар Дастури:

№	Йўналишлар номлари	ЎзР През. ПҚ-969 сонли қароридаги дастур бўйича, жами	Қўшимча иш ҳажми, жами, км	Жами, км
1	Бейнау - Кунград - Бухоро - Самарканд - Тошкент - Андижон	67	130	197
2	Бухоро - Олот	5	10	15
3	Самарканд - Ғуздор	20	132	152
	ЖАМИ	92	272	364

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини жадал куриш, реконструкция ва модернизация қилиш Дастури

- Электр таъминоти бўйича:
Лойиҳалар: 6 та; Умумий қиймати: 4757,4 млн. сум
- Темир йўллари бўйича:
Лойиҳалар: 1 та; Умумий қиймати: 12500,0 млн. сум
- Телекоммуникация тармоқлари ва иншоотларини модернизациялаш ва ривожлантириш бўйича:
Лойиҳалар: 12 та; Умумий қиймати: 44,036 млн. долл.
- Навоий ш. аэропортини модернизация қилиш бўйича:
Лойиҳалар: 5 та; Умумий қиймати: 23000,0 млн. сум, 5,0 млн. долл. 1,2 млн. евро
- Сув таъминоти объектлари бўйича:
Лойиҳалар: 3 та; Умумий қиймати: 20,35 млн. долл.
- Газ таъминоти бўйича:
Лойиҳалар: 4 та; Умумий қиймати: 343 444,5 млн. сум
- Ижтимоий инфратузилма объектлари бўйича:
1087 та объект; Умумий қиймати: 40 481 млн. сум

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 17 августдаги 247-сонли “2014-2015 йилларда “Ангрен” махсус индустриал зонасининг транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2014-2015 йилларда “Ангрен” махсус индустриал зонасининг транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш Дастури тасдиқланди

Дастурга мувофиқ, ҳажми 59 461,6 минг АҚШ доллари эквивалентида инвестиция жалб қилиниши белгиланган, шу жумладан:

- Электр таъминоти: 13 482,3 минг долл.
- Газ таъминоти: 3 568,5 минг долл.
- Сув таъминоти ва оқава сувларни четга чиқаришга: 28 118,4 минг долл.
- Темир йўл инфратузилмасига: 4 360,0 минг долл.

- Автомобиль йўллари: 9 932,4 минг долл.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26 февраль 2014 йилдаги 56 сонли “Наманган вилоятида мультимодал логистика марказини ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” қарори

- “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компанияси ҳузурида “Поп” мультимодал логистика маркази фаолияти ташкил этилди;
- “Поп” мультимодал логистика маркази инфратузилмасини барпо этиш чора-тадбирлари комплекси тасдиқланди;
- “Поп” логистика марказининг асосий вазифалари:
 - Фарғона минтақавий темир йўл боғланмасининг ихтисослаштирилган станцияларидан фойдаланиб, “Ангрен” логистика маркази билан ўзаро тўлиқ боғлиқ ҳолда Фарғона водийси ҳудудида юкларни етказиб беришнинг ягона мультимодал схемасини таъминлаш.
 - транспорт-логистика ва транспорт-экспедиция хизматларини кўрсатиш.

Юқорида таъкидлаб ўтилган қарорлар транспорт-логистика инфратузилмасини замонавий талабларга мувофиқ такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги кооперация алоқаларини янада кенгайтириш, юк ташиш ҳажмларини кўпайтириш ҳамда юкларни ўз вақтида ва узлуксиз етказиб бериш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида амалга оширилмоқда.

Бунга сабаб Ўзбекистон Республикасида ривожлантирилиши зарур бўлган муҳим устувор соҳалар белгилаб олинган: Буларга:

- саноат;
- қишлоқ хўжалиги;
- йўл транспорти;
- қурилиш;
- коммуникацион-ахборот соҳалари киради.

3. Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ташкилий-ҳуқуқий асослари.

Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган муҳим устувор соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш транспорт ва инфратузилма коммуникацияларни ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молия лойиҳаларини амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш муҳим ҳисобланади.

Ҳозирги кунда ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун фақатгина инвестицияларнинг ўзи етарли эмас. Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришишда ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ташкил этиш ва бошқаришда хорижий менежмент ва маркетинг тажрибаларидан

фойдаланиш долзарб масалалардан бирига айланмоқда. Бу масалаларни ҳал қилиш йўлларида бири мамлакатда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишдир.

“Эркин иқтисодий зоналар” экспортга қаратилган стратегиянинг энг муҳим элементларидан биридир. **“Эркин иқтисодий зоналар”** миллий ва хорижий капитални жалб этади, экспорт салоҳиятини кенгайтиради, валюта тушумларини кириб келишини кўпайтиради, янги технологияларни олиб киради ва уларни амалда қўллайди, мамлакат тўлов баланси аҳволини яхшилади ва, албатта, якуний ҳисобда миллий иқтисодиётни ривожлантиради.

Жаҳон амалиёти кўрсатишича турли мамлакатларда **“Эркин иқтисодий зоналар”** лар турли мақсадларга эришиш йўлида ташкил қилинади. Турли мамлакатларда **“Эркин иқтисодий зоналар”** ларни ташкил қилиш мақсадлари ҳар хил бўлишига қарамай, улар баъзи бир умумийликка эга. Уларни қуйидагиларга:

1. Иқтисодий;
2. Ижтимоий;
3. Илмий-техник мақсадларга бўлиш мумкин.

Республикамиз ҳудуддида ЭИЗни ташкил этиш бўйича, 1996 йилнинг 25 апрелида **“Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”**ги қонун қабул қилинган.

“Эркин иқтисодий зона” тушунчаси қуйидагича талқин қилинади.

Эркин иқтисодий зона – минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳукуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуддир.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришдаги давлат дастурлари:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 15 ноябрдаги ПҚ-1641 сонли **“2012-2015 йилларда Фарғона шаҳри бош режасини амалга ошириш, ижтимоий ва транспорт-коммуникация инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 августдаги ПҚ-1170 сонли **“2009-2012 йилларда Наманган шаҳрини ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида”**ги қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги ПҚ-1446 сонли **“2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилиши ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида”**ги қарори.

Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистонда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришда қандай ислохотлар амалга оширилмоқда?
2. Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг қандай ҳуқуқий асослари мавжуд?
3. Ўзбекистонда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма ривожланишини молиялаштиришнинг қайси усуллари ва манбалари мавжуд?
4. Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ташкилий-ҳуқуқий асослари хусусида гапириб беринг.
5. Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришдаги қандай давлат дастурларини биласиз?

6-мавзу. Ишлаб чиқариш инфратузилмасида транспорт хизмати. Миллий транспорт тизимини ривожланиши

Режа:

1. Ўзбекистон транспорт инфратузилмаси.
2. Ўзбекистон автомобиль йўллари ва уларни ривожлантириш.
3. Ўзбекистонда йўл-транспорт инфратузилмасини бошқариш ва ташкил этиш тизими.
4. Транспорт инфратузилмасини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари.
5. Ўзбекистонда логистика марказлари.
6. Транспорт инфратузилмаси ва уни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.

1. Ўзбекистон транспорт инфратузилмаси.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида транспорт инфратузилмасини ривожлантириш мамлакат иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида қаралади. Бинобарин, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “2014 йил ва ундан кейинги йилларда дастурий вазифаларимизни амалга оширишда йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш устувор аҳамият касб этади”².

Ўзбекистон транспорт инфратузилмаси куйидагиларни транспорт турларини ўз ичига олади:

1. Автомобиль йўллари транспорти
2. Темир йўл транспорти
3. Ҳаво транспорти
4. Қувур транспорти
5. Дарё транспорти

-жадвал

Ўзбекистоннинг транспорт инфратузилмаси бўйича асосий кўрсаткичлар

№	Кўрсаткичлар	Миқдори
1.	Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги	184 000 км
2.	Темир йўлларининг умумий узунлиги шу жумладан: электрофикацияланган қисми	4 258 км 727 км
3.	Аэропортлар сони шу жумладан: учиш-қўниш йўли қаттиқ қопламали учиш-қўниш йўли қаттиқ қопламасиз	53 та 33 та 20 та

² Каримов И.А. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 2013 йил 18 январь.

4.	Асосий (магистрал) қувур йўлларининг умумий узунлиги шу жумладан: газ қувур йўллари узунлиги нефть қувур йўллари узунлиги	14 280 км 10 253 км 868 км
5.	Сув йўллари узунлиги	1 100 км
6.	Порт ва терминаллар сони	1 та

2. Ўзбекистон автомобиль йўллари ва уларни ривожлантириш.

Республикада қарийб 184 минг км узунликдаги автомобиль йўллари мавжуд бўлиб, шундан 42654 километри умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ҳисобланади (шундан 2755 км автомобиль йўли “Ўзбек миллий автомагистрала” ҳисобланади). Ўзбекистон автомобиль йўллари:

- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари;
- хўжалик автомобиль йўллари;
- хўжалик автомобиль йўллари шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларига бўлинади.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари

- халқаро;
- давлат;
- маҳаллий (вилоят) аҳамиятига молик автомобиль йўлларига бўлинади.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари таркибига кирувчи барча иншоотлари билан биргаликда давлат мулки ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси қонунида белгиланган тартибда фойдаланишга топширилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ халқаро автомобиль йўллари тармоғига кирадиган йўллар халқаро аҳамиятга молик автомобиль йўллари жумласига кириди. Халқаро аҳамиятга молик автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 3979 км га тенг. Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб 20 та халқаро транспорт йўналишлари ўтиб, улар Россия, Украина, Европа мамлакатлари, Кавказ, Афғонистон, Покистон, Эрон, Туркия ва Хитойга йўналтирилган.

-жадвал

Ўзбекистонда халқаро аҳамиятга молик автомобиль йўллари

Автомобиль йўллари рақами	Автомобиль йўллари номи	Узунлиги (км)
М-34	Тошкент - Душанбе. (Тошкент - Янгийўл - Сирдарё - Гулистон - Ховос - Душанбе, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида)	160

М-37	Самарқанд - Ашхобод - Туркманбоши. Бухоро, Чоржўй, Мари орқали (Самарқанд - Иштихон - Каттакўрғон - Кармана - Бухоро - Чоржўй, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида)	365
М-39	Алмати - Бишкек - Тошкент - Термиз. Чимкент, Самарқанд орқали (Қозоғистон Республикаси чегараси - Ёишткўприк - Тошкент - Чиноз -Жиззах - Самарқанд - Термиз) шоҳобча: а) Ҳайратонга кириш йўли (Ўзбекистон Республикаси ҳудудида) Жами шоҳобча билан	628 30 658
М-41	Бишкек - Душанбе - Термиз. Ўш ва Хоруғ орқали (Тожикистон Республикаси чегараси - Денов - Жаркўрғон - Термиз)	191
А-373	Тошкент - Ўш. Қўқон ва Андижон орқали (Тошкент - Тўйтепа - Ангрен - Қўқон - Шаҳрихон - Андижон - Ўш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида) шоҳобча: а) Сирғали аэропортига Жами шоҳобча билан	399 5 404
А-376	Қўқон - Жиззах. Конибодом, Хўжанд, Бекобод, Ховос орқали (Қўқон - Бешариқ - Тожикистон Республикаси ҳудуди - Бекобод - Ховос - Жиззах)	168
А-377	Самарқанд - Айний. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида	37
А-378	Самарқанд – Қарши	138
А-379	Навоий - Учқудуқ. Зарафшон шаҳри орқали	289
А-380	Ўзор - Нукус - Қўнғирот - Бейнеу. Бухоро шаҳри орқали (Ўзор - Қарши - Муборак - Бухоро - Газли - Дулдул - Тўрткўл - Нукус - Хўжайли - Қўнғирот - Қозоғистон Республикаси чегараси - Бейнеу)	1204
А-381	Хўжайли - Тошҳовуз. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида	12
	ЖАМИ ХАЛҚАРО АҲАМИЯТГА МОЛИК ЙЎЛЛАР	3626

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари ва туманларининг маъмурий марказлари, вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар, маданият ҳамда саноат марказлари ўртасида транспорт қатновини таъминлайдиган, мазкур марказларни эса, халқаро аҳамиятга молик йўллар билан, аэропортлар, темир йўл станциялари, портлар ва кема тўхташ жойлари, шунингдек қўшни давлатлар билан боғлайдиган йўллар давлат аҳамиятига молик автомобиль йўллар жумласига киради. Ўзбекистонда давлат аҳамиятига молик автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 16 909 км ни ташкил этади.

Туманларнинг маъмурий марказларини шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар билан, шунингдек давлат аҳамиятига молик йўллар билан боғлайдиган йўллар маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўллари

жумласига кирази. Ўзбекистон маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 21995 км ни ташкил этади.

Ўзбекистон автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадида охириги йилларда давлат томонидан бир неча дастурлар қабул қилинган ва амалга оширилмоқда. Жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 апрелдаги ПҚ-1103 сонли “2009-2014 йилларда Ўзбекистон миллий автомагистралини реконструкция қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги ПҚ-1446 сонли “2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилиши ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида”ги қарори.

3. Ўзбекистонда йўл-транспорт инфратузилмасини бошқариш ва ташкил этиш тизими.

Ўзбекистонда йўл-транспорт инфратузилмасини бошқариш ва ташкил этиш тизими транспорт турига қараб фарқланади.

Автомобиль йўллари транспорти тизимини бошқариш ва ташкил этиш “Ўзавтойўл” Давлат акциядорлик компанияси (йўлларни қуриш ва бошқариш қисмида) ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги (йўловчи ва юк ташишни ташкил этиш ва ривожлантириш қисмида) томонидан амалга оширилади. Темир йўл транспорти тизимини бошқариш ва ташкил этиш “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат акциядорлик темир-йўл компанияси томонидан амалга оширилади. Ҳаво транспорти тизимини бошқариш ва ташкил этиш “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси томонидан амалга оширилади. Қувур транспорти тизимини бошқариш ва ташкил этиш “Ўзбекнефтегаз” Миллий холдинг компанияси томонидан амалга оширилади. Дарё транспорти тизимини бошқариш ва ташкил этиш Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан амалга оширилади.

“Ўзавтойўл” автомобил йўлларини қуриш ва фойдаланиш Давлат акциядорлик компанияси (“Ўзавтойўл” ДАК) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 19 августдаги ПФ 3292-сонли Фармонида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 361-сонли қарорига асосан ташкил топган. Умумий фойдаланувдаги автомобил йўлларини яхши ҳолатда сақлаш, таъмирлаш, қуриш ва реконструкция қилиш соҳасида эксплуатация ва пудрат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 ноябрдаги ПФ 511-сонли қарори қабул қилинди. 2007 йилда қабул қилинган “Автомобил йўллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ “Ўзавтойўл” ДАКка Республикадаги автомобил йўллари бўйича давлат бошқарувини ўрнатиш ваколати берилган. Умумий фойдаланувдаги автомобил йўлларини яхши ҳолатда сақлаш, таъмирлаш, қуриш ва реконструкция қилиш соҳасида эксплуатация ва пудрат ташкилотлари

фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 ноябрдаги ПФ 511-сонли қарори қабул қилинди. “Ўзавтойўл” ДАК ташкилий-бошқарув тузилмаси асосан мамлакатдаги автомобил йўлларининг барча тармоқлари эҳтиёжларини тўла равишда қоплашни таъминлашга қаратилган.

“Ўзавтойўл” ДАК фаолиятининг асосий вазифалари ҳамда ваколатлари қуйидагилар киради:

- умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини ривожлантириш давлат дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;
- автомобил йўллари тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш истикболларини белгилайди;
- автомобил йўллари соҳасида ягона техника сиёсатини олиб боради;
- умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини лойиҳалаш соҳасидаги нормалар ва стандартларга риоя этилишини таъминлайди;
- умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини қуриш реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш сифати устидан назоратни амалга оширади;
- Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари рўйхати бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва уларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасига киритади;
- автомобил йўллари соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини амалга оширади;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, фойдаланиш ва такомиллаштириш каби вазифаларни узлуксиз амалга ошириш учун компания таркибида 13 та ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилотлари, халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобил йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган 7 та минтақавий таъмирлаш-фойдаланиш корхоналари, 161 та туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхоналари фаолият кўрсатади. Шунингдек, компания таркибида Автомобил йўллари илмий-тадқиқот институти, ўқув марказлари, бошқа йўл қурилиш, махсус бурғулаш-портлатиш ҳамда саноат корхоналари фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 1998 йил 11 июлдаги “Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигини ташкил этиш тўғрисида”ги 296-сон қарори билан ташкил этилган Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги автомобиль ва дарё транспорти соҳасини тартибга солувчи ва назорат қилувчи давлат бошқарув органидир.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг асосий вазифалари:

- автомобил ва дарё транспортида юк ва ёъловчилар ташишни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий база шакллантирилишини таъминлаш;

- иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг юк ва ёъловчилар ташишга эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда автомобил ва дарё транспортини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, жамоат автомобил ва дарё транспорти фаолиятини мувофиқлаштириш;

- автомобиль ва дарё транспорти хизматлари бозорида бозор муносабатларини ва рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш;

- автомобил ва дарё транспорти соҳасида ягона техника сиёсатини ўтказиш;

- автомобил ва дарё транспортда юк ва ёъловчилар ташишни лицензиялашни ташкил этиш, лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартлари бажарилишини назорат қилиш;

- автомобил ва дарё транспортда кадрларни ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

- маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигига сафарбарлик пайтида ва фавқулодда вазиятларда автомобил транспорти махсус бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштиришда кўмаклашиш.

“Ўзбекистон темир йўллари” Давлат Акциядорлик Темир Йўл Компанияси 1994 йил 7 ноябрда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган собиқ Ўрта Осиё темир йўллари негизида ташкил этилган. Компаниянинг асосий йўлларининг умумий узунлиги бугунги кунда 3645 километрга яқинни ташкил этади. Компанияда 54,7 мингдан зиёд киши ишлайди. Компаниянинг йиллик юк айланмаси барча турдаги транспорт юк айланмасининг 90% га яқинини ташкил этади.

Компания фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар:

- темир йўл бўйлаб юкларни экспедициялаш ва етказиб бериш;
- темир йўл вагонларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш;
- пассажирларни, туристларни ташиш;
- локомотив ва вагон паркини янгилаш, хизмат кўрсатиш.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси 1992 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида биноан ташкил этилган. Ана шу вақтдан бошлаб самолётлар паркини замонавийлаштириш, янги аэровокзаллар қуриш, ҳаводаги ҳаракатни бошқариш тизимини тубдан ўзгартириш, аэродромларни янги замонавий техника билан таъминлаш, юқори малакали мутахассисларни тайёрловчи база ҳамда менежмент тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган республика Фуқаро авиациясини ривожлантириш давлат дастури амалга кирди. Ўтказилган ислохотлар Ўзбекистон авиация транспортининг халқаро, иқтисодий, дипломатик ва маданий алоқаларини ривожлантиришда етакчи соҳалардан бирига айланишига омил яратди.

Авиакомпания фаолиятидаги муҳим йўналишлар:

- Парвозлар хавфсизлигини таъминлаш ва унинг даражасини кўтаришга мўлжалланган тадбирларни амалга ошириш;

- халқ хўжалигининг йўловчи, юк ташувларига бўлган талабларини ўз вақтида, тўлиқ таъминлаш ва бошқа авиахизматларни амалга ошириш;
- йўловчиларга хизмат кўрсатишни халқаро андозалар даражасига етказиш;
- авиатранспорт соҳаси фаолиятини иқтисодий самарадорлигини ошириш;
- авиация инфратизилмасини ривожлантириш ва такомиллаштириш. Авиация техникасини янгилашни давом эттириш;
- халқаро бизнесда авиакомпания ўрнини мустаҳкамлаш, авиация хизмати янги бозоридан ўз ўрнига эга бўлиш;
- юқори малакали кадрларни тайёрлаш.

4. Транспорт инфратизилмасини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикасида транспорт инфратизилмасини тартибга солиш борасида қуйидаги қонунлар ва норматив-ҳуқуқий актлар қабул қилинган:

1) “Автомобиль транспорти тўғрисида”ги Қонун (1998 йил 29 августда қабул қилинган) автотранспорт ерлари, автотранспорт воситаларини таснифлаш, йўловчи ва юкларни ташиш қоидалари, соҳани давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш, давлат ва маҳаллий органларнинг асосий вазифалари, соҳада лицензиялаш, ташувчи ва мижозларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, транспортда хавфсизлик ва экология норлари ва бошқаларни тартибга солади.

Ушбу қонунга мувофиқ, **автомобиль транспорти** – таркибига юридик ва жисмоний шахслар кирувчи, иқтисодиёт ва аҳолининг, багаж ва юкларни, шу жумладан почтани автомобилда ташишга бўлган эҳтиёжларини таъминловчи ишлаб чиқариш-технология мажмуи.

2) “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Қонун (1999 йил 15 апрелда қабул қилинган) темир йўл корхоналарини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш, темир йўл транспорти ерлари, темир йўл транспортини бошқариш, йўловчилар ва юкларни ташиш қоидалари, темир йўл транспортининг молиявий ва хўжалик фаолияти, темир йўл транспортида хавфсизлик, темир йўл транспорти корхоналарини жавобгарлиги масалаларини тартибга солади.

Ушбу қонунга мувофиқ, **темир йўл транспорти** – умумий фойдаланишдаги транспорт турларидан бири бўлиб, у ишлаб чиқариш ва ижтимоий йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни ўз таркибига олган, бошқа давлатларнинг темир йўллари ва транспортнинг бошқа турлари билан ўзаро ҳамкорликда ташиш эҳтиёжларини таъминловчи ягона ишлаб чиқариш-технология мажмуидан иборат.

3) “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонун (2007 йил 2 октябрда қабул қилинган) автомобиль йўллари соҳасини бошқариш, автомобиль йўллари таснифлаш ва уларни тоифалаш, автомобиль йўллари

молиялаштириш, куриш ва сақлаш, автомобиль йўлларида фойдаланиш каби масалаларни тартибга солиди.

Ушбу қонунга мувофиқ, **автомобиль йўли** – транспорт воситалари ҳаракатланиши учун мўлжалланган, уларнинг белгиланган тезликда, оғирликда, ўлчамларда муттасил ва хавфсиз ҳаракатланишини таъминлайдиган муҳандислик иншоотлари мажмуаси, шунингдек ушбу мажмуани жойлаштириш учун берилган ер участкалари ва мажмуа устидаги белгиланган доирадаги бўшлиқ.

4) “Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида”ги Қонун (1997 йил 25 апрелда қабул қилинган) шаҳар йўловчилар транспортининг турлари, шаҳар йўловчи транспорти фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва давлат томонидан бошқариш, бу соҳадаги давлат органининг ваколатлари, фаолиятни лицензиялаш, ташувчи ва йўловчиларнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари каби масалаларни тартибга солиди.

Ушбу қонунга мувофиқ, **шаҳар йўловчилар транспорти** – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатга олинган, шаҳар доирасида йўловчилар ҳамда багаж ташишга мўлжалланган автомобиль ва электр транспорти.

5) Ўзбекистон Республикаси ҳаво Кодекси (1993 йил 7 майда қабул қилинган) самовий ҳудуддан фойдаланиш, республика авиацияси, аэродромлар ва аэропортлар, ҳаво кемалари ва улардан фойдаланиш, авиация ходимлари, маҳаллий ва халқаро парвозлар, парвоз қоидалари, хавфсизлик, ҳаво траспортида йўловчи ва юкларни ташиш каби масалаларни тартибга солиди.

6) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 октябрдаги ПҚ-499 сонли “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари лойиҳалаш, куриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори.

7) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 ноябрдаги 226-сонли “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари куриш ва фойдаланиш сифатини назорат қилишни ташкил этиш ва таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори.

5. Ўзбекистонда логистика марказлари.

Бугунги кунда Ўзбекистонда учта логистика марказлари ташкил этилган ва фаолият кўрсатиб келмоқда:

1. Навоий шаҳар аэропорти базасида халқаро интермодал логистика Маркази.

2. “Ангрен логистика маркази” ёпиқ акциядорлик жамияти.

3. Наманган вилоятидаги “Поп логистика маркази” унитар корхонаси.

Навоий шаҳар аэропорти базасида халқаро интермодал логистика Маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 31 декабрдаги ПҚ-1027 сонли “Навоий шаҳар аэропорти базасида халқаро интермодал логистика марказини ташкил этиш чоралари тўғрисида”ги қарорига асосан республика транспорт-транзит инфратузилмасини янада ривожлантириш ва Навоий эркин индустриал иқтисодий зонага логистика хизматларини

кўрсатиш мақсадида “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси таркибида ташкил этилган. Унга мувофиқ, Навоий халқаро аэропорти “Кореан Эйр” авиакомпанияси бошқарувига 31 декабрь 2014 йилгача топширилган; Интермодал логистика марказини барпо этиш мақсадида импорт қилинадиган товар жиҳозлар божхона тўловидан озод қилинган; “Кореан Эйр” авиакомпанияси ва унинг персонали даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилинган.

“Ангрен логистика маркази” ёпиқ акциядорлик жамияти 2009 йилнинг ўрталарида “Ўзавтосаноат” ДАК, “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК, “Ўзбекнефтегаз” МХК, “Ўзкимёсаноат” ДАК, “Ўзқурилишматериаллари” АК ва Озиқ-овқат ва ёғ-мой саноат Уюшмаси каби таъсисчилар томонидан турли категориядаги юкларни қабул қилиш ва қайта ишлар, шунингдек уларни Фарғона водийсига автомобиль транспорти орқали етказиш мақсадида ташкил этилган. Кейинчалик, Ўз.Р. ВМ нинг 2012 йил 8 майдаги 128-сонли ва 31 майдаги қарорлари асосида Ангрен логистика марказининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳамда унинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари белгиланган. Ҳозирда транзит-юк терминали 8,6 га майдонни эгаллайди ҳамда омборхоналар, темир йўллар ва бошқа иншоотлар билан жиҳозланган.

“Поп логистика маркази” унитар корхонаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 26 февралдаги 56-сонли “Наманган вилоятида мультимодал логистика марказини ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига асосан Фарғона водийсининг транспорт-логистика инфратузилмасини замонавий талабларга мувофиқ такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўртасидаги кооперация алоқаларини янада кенгайтириш, юк ташиш ҳажмларини кўпайтириш, юкларни ўз вақтида ва узлуксиз етказиб бериш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек минтақанинг темир йўл инфратузилмасидан самарали фойдаланиш мақсадида “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК таркибида ташкил этилган. Мазкур қарорга мувофиқ, Поп логистика марказида юкларни ишлаш ҳажмларини йилига 4 млн. тоннагача етказиш белгиланди; транспортнинг ҳар хил турлари билан ташишнинг ўзаро боғлиқ жараёнини, шу жумладан “Қамчиқ” довони орқали юкларни ташиш учун “Ангрен логистика маркази” ЁАЖ нинг автотранспорт воситалари паркидан самарали фойдаланиш асосида ташкил этиш белгиланди; Фарғона минтақавий темир йўл боғланмасининг ихтисослаштирилган станцияларидан фойдаланиб, Ангрен логистика маркази ЁАЖ билан ўзаро тўлиқ боғлиқ ҳолда Фарғона водийси ҳудудида юкларни етказиб беришнинг ягона мультимодал схемасини таъминлаш белгиланди; Логистика марказини куриш доирасида четдан олиб келинадиган товарлар божхона тўловидан, бажариладиган ишлар қўшилган қиймат солиғидан 2014 йил 1 январгача озод қилинди.

6. Транспорт инфратузилмаси ва уни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.

Ўзбекистонда 2011-2015 йилларда транспорт инфратузилмасини қурилишининг асосий устувор йўналишлари қуйидагилар:

1. Республиканинг барча минтақаларини пухта бирлаштирадиган ягона миллий транспорт тизимини яратиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш, Ўзбекистон миллий магистрали таркибига кирадиган, халқаро стандартларнинг юксак талабларига жавоб берадиган, замонавий цемент-бетон ва асфальт-бетон қопламалар билан таъминланган тўрт полосали йўл участкаларини қуриш ва реконструкция қилишни кенгайтириш, Қамчик довонидан ўтадиган автомобиль йўлларини реконструкция қилиш;

2. Республиканинг темир йўл транспортини жадал ривожлантириш ва модернизация қилиш, темир йўллар реконструкциясини амалга ошириш, Тошкент-Самарқанд юқори тезликдаги темир йўл линиясини жиҳозлаш ҳамда ишга тушириш, Бухоро ва Қарши шаҳарларигача бўлган темир йўл участкаларини электрлаштириш, ҳаракатдаги темир йўл таркибини замонавий юқори унумли локоммотивлар, юк ташувчи ва йўловчиларга мўлжалланган вагонлар билан янгилаш;

3. Ҳаво кемалари паркини дунёнинг етакчи Боинг ва Аэрбас авиакомпанияларининг замонавий, ҳар жиҳатдан қулай ва тежамли самолётлари билан тубдан янгилаш ҳисобига авиацияда ташишнинг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларга сервис хизмати кўрсатишни ташкил этиш, Тошкент шаҳри ва республиканинг вилоят марказларида аэропортлар қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда унинг негизида транзитни ҳам ҳисобга олганда юк ташиш ҳажмларини ошириш;

4. Транспортда юк ташишни ташкиллаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, халқаро талаб ва стандартларга жавоб берадиган, кўп мақсадли замонавий самарадор транспорт-транзит инфратузилмасини яратиш, ҳар йили транспорт турлари - автомобиль, темир йўл ва авиация транспорти томонидан транспорт хизмати кўрсатишда туташликни таъминлаш, Ангрен шаҳридаги ва Навоий шаҳри аэропорти негизидаги логистика интермодаль марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва фаолият юритиш самарадорлигини ошириш;

5. Миллий автомагистраль ёқаси ва темир йўллар бўйлаб инфратузилма ва сервис объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, автомобиль ва темир йўл магистралларида қатновчилар учун халқаро стандартларга жавоб берадиган шарт-шароитларни яратиш;

6. Ўзбекистон миллий автомагистралини реконструкция қилиш ва ривожлантириш учун қўшимча замонавий йўл-қурилиш техникасининг ўз вақтида харид қилинишини таъминлаш, йўл қурилишида замонавий қурилиш технологияларини, ускуналар ва сифатли материалларни қўллаш.

Назорат учун саволлар:

1. Транспорт инфратузилмасини қандай тушунасиз ва унинг таркибига нималар киради?

2. Автомобиль йўллари ва уларнинг транспорт инфратузилмасини шакллантиришдаги ролини тушунтириб беринг.
3. Темир йўллар ва уларнинг транспорт инфратузилмасини шакллантиришдаги ролини тушунтириб беринг.
4. Ҳаво транспорти тизими ва унинг транспорт инфратузилмасини шакллантиришдаги ролини тушунтириб беринг.
5. Ўзбекистонда йўл-транспорт инфратузилмасини бошқариш ва ташкил этиш қайси давлат органлари томонидан амалга оширилади? .
6. Ўзбекистонда транспорт инфратузилмаси қандай қонунлар билан тартибга солинади?
7. Ўзбекистонда қандай логистика марказлари мавжуд ва улар қандай шарт-шароитлар асосида ташкил этилган?
8. “Навоий” халқаро интермодал логистика маркази ва унинг логистика тизимини шакллантиришдаги аҳамиятини тавсифлаб беринг.
9. “Ангрен” логистика маркази ва унинг логистика тизимини шакллантиришдаги аҳамиятини тавсифлаб беринг.
10. “Поп” логистика маркази ва унинг логистика тизимини шакллантиришдаги аҳамиятини тавсифлаб беринг.
11. Ўзбекистонда транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг қандай устувор йўналишлари белгиланган?

7-мавзу. Ишлаб чиқариш инфратузилмасида алоқа ва коммуникация

Режа:

1. Ишлаб чиқариш инфратузилмасида алоқа ва коммуникациянинг иқтисодий моҳияти.
2. Ўзбекистонда алоқа ва телекоммуникация инфратузилмаси.
3. Алоқа ва коммуникация инфратузилмасини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари.
4. Ўзбекистонда алоқа ва телекоммуникация соҳасидаги давлат бошқаруви тизими.
5. Ўзбекистонда алоқа ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, тенденциялари ва ислохотлар.

1.Ишлаб чиқариш инфратузилмасида алоқа ва коммуникациянинг иқтисодий моҳияти.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Ахборот-коммуникация ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги чоратадбирлар ва лойиҳаларни жадал амалга ошириш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Биз қисқа вақт мобайнида ... ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида юксак даражага эришган илғор мамлакатлар сафига қўшилишимиз зарур”³.

Алоқа - ҳўжалик ва ижтимоий инфраструктураси-нинг таркибий қисми бўлиб, аҳолининг, ҳўжалик субъектларининг, давлат идораларининг почта, телефон, телеграф, радио ва ахборотнинг ўзга турларини узатиш ва қабул қилиш ҳамда алоқа тармоғи орқали жўнатилаётган ашёларни етказиб беришга бўлган эҳтиёжлари қондирилишини таъминлайди.

Иқтисодиётда алоқа ижтимоий ишлаб чиқариш тармоқларидан бири бўлиб, унинг функциясига истеъмолчиларга турли хилдаги хабарларни (хатлар, телефон сўзлашувлари, радио ва телевидение дастурлари) узатиш бўйича хизматларни кўрсатиш киради.

Моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари сингари алоқа тармоғида ҳам истеъмол қиймати ва қиймат яратилади. **Истеъмол қиймати** – бу ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида, одамларнинг жамият ва шахсий ҳаётида истеъмол қилинадиган хабарларни узатиш жараёнининг фойдали самарасидир.

Алоқа тармоғида яратиладиган **қиймат** ишлаб чиқариш соҳасига хизмат кўрсатиш қисмида мамлакат ЯИМ таркибига киритилади.

³ И.А.Каримов. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

Алоқа инфратузилмавий характерга ҳам эга. **Алоқа инфратузилмаси** – бу ахборот, хабарларни етказиб бериш, узатиш, қабул қилиш ва сақлашни таъмилаб берадиган, ташкилий-техник комплексини шакллантирадиган ўзаро боғлиқ объектлар, иншоотлар, алоқа корхоналари, фаолият турлари, персоналлар тизими. Алоқа инфра. ахборот инфра. нинг бир қисми ҳисобланади.

Ахборот инфратузилмаси – мамлакат ахборот макони ҳамда алоқа воситаларини фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлайдиган ташкилий тузилмалар тизими. Унга ахборот марказлари, тизимостилар, маълумотлар ва билимлар базаси, алоқа тизимлари, ахборотни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатишни таъминловчи аппарат-дастурий воситалар ва технологиялар киради.

Жаҳон амалиётида алоқа ва коммуникация инфратузилмасига қуйидагилар киради:

- Почта хизмати
- Телефон тармоғи
- Мобил алоқа тармоғи
- Телевидение ва радио узатиш станциялари
- Кабель телевидениеси тармоғи
- Интернет
- Йўлдошли алоқа
- Сувости алоқа тармоғи
- Пневматик почта тармоғи
- Телеграф алоқа

2.Ўзбекистонда алоқа ва телекоммуникация инфратузилмаси.

Ўзбекистон Республикасида алоқа соҳасидаги муносабатларнинг объектлари - почта жўнатмаларини қабул қилиб олиш, ташиш ва кўрсатилган жойга етказиб бериш воситаларининг йиғиндиси бўлган почта алоқаси тармоқларидан ҳамда бир ёки бир нечта узатиш турларини: телефон, телеграф, факсимил узатишларни, хужжатли хабарларнинг бошқа турлари маълумотларини узатишни, телевидение ва радиоэшиттириш дастурларини трансляция қилишни таъминловчи телекоммуникациялар воситалари йиғиндиси бўлган телекоммуникациялар тармоқларидан иборат.

Ўзбекистон Республикасида алоқа соҳасидаги муносабатларнинг субъектлари - Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари, ажнабий юридик шахслар ва фуқаролар

Ўзбекистон Республикасида алоқа ва коммуникациянинг асосий турлари:

- Почта алоқаси
- Телефон алоқаси
- Уяли телефон алоқаси
- Телевидение ва радио
- Интернет

Ўзбекистон Республикасида почта алоқаси – почта жўнатмаларини, шунингдек пул маблағларининг почта ўтказмаларини жўнатиш (қабул қилиш, ишлов бериш, ташиш, ўтказиш)ни ва етказиб бериш (топшириш)ни таъминловчи техник ва транспорт воситаларининг ягона ишлаб чиқариш-технология мажмуини ўзида мужассамлаштирган алоқа тури.

Почта алоқаси тармоғи – почта алоқаси объектлари ва почта йўналишлари мажмуи.

Почта алоқаси объектлари – почта алоқаси операторларининг алоҳида бўлинмалари, яъни почтамтлар, почта алоқаси узеллари, бўлимлари ва пунктлари, шунингдек, темир йўл станциялари ва аэропортлар қошидаги почта алмашиш пунктлари.

Ўзбекистон Республикасида почта алоқаси:

- умумий фойдаланишдаги почта алоқаси
- махсус мўлжалланган почта алоқаси

Умумий фойдаланишдаги почта алоқаси – барча юридик ва жисмоний шахслар фойдаланиши учун оммавий шартнома шартлари асосида очик бўлган почта алоқасининг тури бўлиб, оператор ва провайдерлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида почта алоқаси фаолиятининг ягона принциплари асосида амалга оширилади.

Махсус мўлжалланган почта алоқаси - почта алоқаси соҳасида махсус ваколатли органнинг махсус алоқаси, давлат фельдъегерлик алоқаси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг фельдъегерлик-почта алоқасига бўлинади.

Ўзбекистон Республикасида почта алоқаси фаолиятининг асосий принциплари:

- ҳамма фойдаланувчилар учун очиклиги;
- Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида почта жўнатмалари транзитининг эркинлиги;
- умумий фойдаланишдаги почта алоқаси фаолиятида иштирок этишда юридик ва жисмоний шахсларнинг тенг ҳуқуқлилиги;
- ҳар бир шахснинг ёзишмалари ва почта жўнатмалари сир тутилиши ҳуқуқини таъминлаш;
- почта алоқаси соҳасида стандартлар, қоидалар ва нормаларнинг ягоналиги.

Ўзбекистон Республикасида телекоммуникациялар - сигналлар, белгилар, матнлар, тасвирлар, товушлар ёки ахборотнинг бошқа турларини ўтказгичли, радио, оптик ёки бошқа электрмагнит тизимларидан фойдаланган ҳолда узатиш, қабул қилиш, қайта ишлаш

Ўзбекистон Республикасида телекоммуникациялар тармоғи – узатишларнинг бир ёки бир неча турини: телефон, телеграф, факсимиль турларини, маълумотлар узатиш ва ҳужжатли хабарларнинг бошқа турларини, телевизион ва радиоёшиттириш дастурларини трансляция қилишни таъминловчи телекоммуникация воситаларининг мажмуи

Ўзбекистон Республикасида телекоммуникациялар тармоқлари қуйидагиларга бўлинади:

- 1) умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоқлари
- 2) идоравий телекоммуникациялар тармоқлари
- 3) ажратилган телекоммуникациялар тармоқлари

Умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоқлари - телекоммуникация хизматлари кўрсатишнинг ягона принциплари, уларни тақдим этиш ва ҳақ тўлашнинг тартиби асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга телекоммуникация хизматларини кўрсатиш учун мўлжалланган телекоммуникациялар тармоқлари.

Идоравий телекоммуникациялар тармоқлари - юридик ва жисмоний шахсларнинг ишлаб чиқариш ва махсус эҳтиёжлари учун мўлжалланган, уларнинг ихтиёрида бўлган ва улар томонидан фойдаланиладиган телекоммуникациялар тармоқлари.

Ажратилган телекоммуникациялар тармоқлари - фойдаланувчиларнинг муайян доирасига хизматлар кўрсатиш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг тижорат мақсадларида яратган телекоммуникация тармоқлари.

3. Алоқа ва коммуникация инфратузилмасини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари.

1. “Алоқа тўғрисида”ги қонун (1992 йил 13 январь) - алоқа тармоқларини ташкил қилишнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий асосларини, алоқа шохобчаларини барпо этиш ва улардан фойдаланишда, алоқа хизмати кўрсатишда мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ва фуқароларнинг алоқа воситаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш ва бошқариш соҳасидаги ҳуқуқлари ва вазифаларини белгилайди.

2. “Почта алоқаси тўғрисида”ги қонун (2000 йил 31 август) - почта алоқасини ташкил этиш, унинг фаолияти ва ривожланиши соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишни белгилайди.

3. “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги қонун (1999 йил 20 август) - телекоммуникацияларни яратиш, ишлатиш ва ривожлантириш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишни белгилайди.

4. “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонун (2003 йил 11 декабрь) - ахборотлаштириш, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни белгилайди.

5. “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонун (2003 йил 11 декабрь) – электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни белгилайди.

6. “Электрон ҳужжат алмашинуви тўғрисида”ги қонун (2004 йил 29 апрель).

7. “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонун (2004 йил 29 апрель).

8. “Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун (2006 йил 4 апрель).

4.Ўзбекистонда алоқа ва телекоммуникация соҳасидаги давлат бошқаруви тизими.

Ўзбекистонда алоқа ва телекоммуникация соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан, шунингдек у ваколат берган идора томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси мамлакатда алоқа ва телекоммуникация соҳасини бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланди.

Ўзбекистон Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 2012 йил 16 октябрдаги ПФ-4475-сон Фармониға ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2012 йил 23 октябрдаги ПҚ-1836-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган.

Ўзбекистонда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг асосий вазифалари:

- алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида ягона давлат сиёсати амалга ошириш;
- алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;
- Алоқа ва телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялашни амалга ошириш;
- тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига интерактив давлат хизматлари кўрсатишнинг электрон шакллариини жорий этиш;
- Интернет тармоғи миллий сегментини янада шакллантиришни таъминлаш;
- аҳолиға ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни ташкил қилиш ва ривожлантириш;
- почта алоқаси, телекоммуникациялар, ахборот-коммуникация технологиялари, телерадиоэшиттириш воситалари ва тармоқларини, радиомониторинг, дастурий маҳсулотларнинг техник воситаларини ривожлантириш учун инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

5.Ўзбекистонда алоқа ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, тенденциялари ва ислохотлар.

Ўзбекистонда 2011-2015 йилларда алоқа ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш-нинг асосий устувор йўналишлари:

1. Хорижий ва ички молиялаштириш манбаларини, замонавий технологияларни жалб этиш кўламини кенгайтириш, қурилиш ва индустриал ишлаб чиқариш комплексларини янгилаш асосида замонавий телекоммуникация тизимларини комплекс равишда ва илдам ривожлантириш ҳамда қуриш;

2. Замонавий телекоммуникация тармоқлари ва иншоотларини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, уяли алоқа ҳамда маълумотларни кенг йўлакли узатиш тармоқларини кенгайтириш, республика минтақаларида рақамли телевидениега босқичма-босқич ўтиш;

Алоқа ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича давлат дастурлари:

- Ўз.Р. Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги ПҚ-1446 сонли “2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилиши ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида”ги қарори;
- Ўз.Р. Президентининг 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730 сонли “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор билан тасдиқланган “2012-2014 йилларда Ўз.Р. да АКТ ни янада жорий қилиш ва ривожлантириш Дастури”;
- Ўз.Р. Президентининг 2012 йил 21 ноябрдаги ПҚ-1855 сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилга мўлжалланган инвестиция дастури тўғрисида”ги қарори;
- Давлат бошқарувида электрон ҳужжат алмашинуви тизимини яратиш ва ривожлантириш концепцияси (2006 й);
- Давлат органларининг интеграциялашган ахборот тизимини яратиш концепцияси (2006 й).

Телекоммуникация соҳасини ривожлантириш бўйича ислохотлар:

Телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришда республикада рақамли тармоқларга босқичма-босқич ўтиш амалга оширилмоқда. Ўз.Р. ВМ нинг 2002 йил 6 июндаги 200-сонли “Компьютерлаштиришни ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, маълумотларни рақамли узатиш тизими ва рақамли коммутацион қурилмалар базасида миллий телекоммуникация тармоғини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, ягона илмий-техник ва инвестиция сиёсатини ўтказиш, телекоммуникация соҳасидаги корхоналарнинг барқарор ва самарали фаолиятига эришиш, иқтисодиёт ва мамлакат аҳолисининг алоқа хизматларига бўлган эҳтиёжларини ҳартомонлама қондириш мақсад қилиб олинди.

Охирги 10 йил ичида 40 дан ортиқ 2,5 млрд. долл. қийматга эга бўлган лойиҳаларни амалга ошириш натижасида барча халқаро ва шаҳарлараро ва

97.5% маҳаллий телефон станцияларини рақамлаштиришга эришилди. Республика вилоят марказларидаги барча аналогли автоматик халқаро телефон станциялари рақамли станцияларга алмаштирилди.

Почта хизмати соҳасини ривожлантириш бўйича ислохотлар.

Ўзбекистонда почта хизмати фуқаролар мулоқотининг оммабоп механизми, давлат хўжалик ва ижтимоий инфратузилмасининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Почта бугунги кунда товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш билан бирлаштиради, ҳам ишлаб чиқарувчиларга, ҳам истеъмолчиларга хизмат кўрсатади, ва шу билан, иқтисодиётга, бошқарувга, шунингдек бизнесни ривожлантиришга ва одамлар фаровонлигини оширишга фаоллик билан таъсир этади. Почта алоқасининг миллий тармоғи “Ўзбекистон почтаси” очик акциядорлик жамияти томонидан географик принципга кўра ташкил этилган ва почта алоқаси объектлари ҳамда почта йўналишларининг кенг тарқалган тармоғидан иборат бўлиб, бу тармоқ почта жўнатмаларини юбориш ва етказиб бериш, пул ўтказмалари, давлат пенсия ва нафақаларини тўлаш учун мўлжалланган. Ўз.Р. да почта алоқаси тармоғи ўз ичига 14 та ҳудудий филиаллар, 174 та туман ва шаҳар узеллари, 13 та ишлаб чиқариш участкалари, 3006 та алоқа бўлимлари, шунингдек 1 та ихтисослаштирилган “Халқаро почта” филиалини олган тизимдан иборат. Бугунги кунда 33 та авиа, 1 та темир йўл ва 400 дан зиёд автомобиль йўналишлари мавжуд бўлиб, улар почта жўнатмаларини мунтазам тарзда ташишни таъминлайди.

Назорат учун саволлар:

1. Ишлаб чиқариш инфратузилмасида алоқа ва коммуникация ва унинг иқтисодий моҳиятини тушунтириб беринг.
2. Алоқа-коммуникация инфратузилмаси ва унинг таркиби қандай?
3. Ўзбекистонда алоқа ва коммуникация инфратузилмасини гапириб беринг.
4. Ўзбекистон Республикасида почта алоқаси ва унинг фаолияти тўғрисида нима дея оласиз?
5. Ўзбекистон Республикасида телекоммуникациялар тармоғи ва унинг фаолияти тўғрисида нима дея оласиз?
6. Ўзбекистонда алоқа ва коммуникация инфратузилмасини тартибга солишнинг қандай ҳуқуқий асослари мавжуд?
7. Ўзбекистонда алоқа ва телекоммуникация соҳасидаги давлат бошқаруви тизимини гапириб беринг.
8. Ўзбекистонда алоқа ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришнинг қандай асосий устувор йўналишлари мавжуд?
9. Ўзбекистонда алоқа ва телекоммуникация соҳасини ривожлантириш бўйича қандай ислохотлар амалга оширилмоқда?

8-мавзу. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ёқилғи-энергетика мажмуаси. Ёқилғи-энергетика тизимини ривожлантиришнинг истиқболлари

Режа:

1. Ёқилғи-энергетика мажмуаси ва унинг халқ хўжалигидаги аҳамияти.
2. Ўзбекистон Республикасида давлатнинг ёқилғи-энергетика сиёсати.
3. Ёқилғи ва энергетика соҳаларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари.
4. Ўзбекистон ёқилғи саноати ва уни бошқариш тизими.
5. Ўзбекистон электр саноати ва уни бошқариш тизими.
6. Республикада ёқилғи-энергетика мажмуасини ривожлантириш йўналишлари ва истиқболлари.

1. Ёқилғи-энергетика мажмуаси ва унинг халқ хўжалигидаги аҳамияти.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Аввало биз табиат томонидан берилган ноёб, қайта тикланмайдиган захиралар бўлмиш нефть, газ конденсати, табиий газ ва бошқа ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланишни ҳамон ўрганганимиз йўқ”⁴

Ёқилғи-энергетика мажмуаси (ЁЭМ) – бу ёқилғи-энергетика ресурсларни қазиб чиқариш, уларни қайта ишлаш, транспортда ташиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш бўйича ишлаб чиқариш, жараёнлар, моддий қурилмалар мажмуини ўз ичига олган мураккаб тармоқлараро тизимдир.

Унинг таркибига ёқилғи саноати ва электроэнергетика киради ва улар халқ хўжалигининг барча тармоқлари билан чамбарчас боғлиқдир. Ёқилғи-энергетика мажмуаси машинасозлик, металлургия саноатлари маҳсулотларидан фойдаланади ҳамда транспорт мажмуаси билан боғлиқ. ЁЭМ учун ягона тармоқларни ҳосил қиладиган юқори қувватли линиялар ва қувур йўллари (нефть, нефть маҳсулотлари ва табиий газни ташиш учун) кўринишидаги ривожланган ишлаб чиқариш инфратузилмаси характерлидир.

Мамлакатда ЁЭМ нинг ривожланишидан кўп ҳолларда ижтимоий ишлаб чиқариш, биринчи навбатда саноатнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари ва миқёслари, динамикаси боғлиқ. Шу билан бирга, ёқилғи ва энергия манбаларига яқинлашиш саноатни ҳудудий ташкил қилишнинг асосий талабларидан бири ҳисобланади. ЁЭМ нинг барча тармоқлари ўзаро боғлиқ. Турли хил ёқилғини қазиб чиқариш, энергияни ишлаб чиқариш ва уларни турли истеъмолчилар ўртасида тақсимлашдаги мутаносиблик ёқилғи-энергетика баланси билан характерланади.

Ёқилғи-энергетика баланси (ЁЭБ) – бу турли хилдаги ёқилғини қазиб чиқариш ва электроэнергияни ишлаб чиқариш (кирим) ҳамда уларни халқ хўжалигида ишлатиш (чиқим) ўртасидаги нисбатдир. ЁЭБ ни ҳисоб

⁴ И.А.Каримов. 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2012 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

чиқиш учун, ҳар хил иссиқлик чиқариш қобилиятига эга бўлган турли хилдаги ёқилғи шартли ёқилғига ўтказилади, яъни уларнинг 1 кг ни ёниши 7000 ккал га тенг.

Халқ ҳўжалигида ёқилғи-энергетика сиёсати алоҳида аҳамиятга эга:

Биринчидан, бу мамлакатнинг географик жойлашуви ва иқлим шароитлари билан боғлиқ бўлиб, улар йил давомида тўхтовсиз иссиқлик ва ёруғлик билан таъминлашни талаб қилади;

Иккинчидан, энергетика энг муҳим инфратузилма тизимлари ва объектларини (транспорт, алоқа, маиший хизмат), шунингдек иқтисодиёт базали тармоқлари (хом ашё ресурсларини қазиб чиқариш, оғир ва мудофаа саноати, машинасозлик) фаолиятини таъминлаш учун зарур;

Учинчидан, ёқилғи-энергетика мажмуининг маҳсулотлари экспорт предмети ҳисобланиб, ундан тушадиган даромад давлат бюджетига солиқ тушумларининг муҳим қисмини ташкил этади.

2. Ўзбекистон Республикасида давлатнинг ёқилғи-энергетика сиёсати.

Мустақилликнинг биринчи йилларида Ўзбекистоннинг энергетика соҳасидаги сиёсати ижтимоий ва иқтисодий вазифаларни ҳал этиш учун мамлакатнинг энергетика хавфсизлигини таъминлашга ва миллий энергетика салоҳиятидан фойдаланишга йўналтирилган. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат саноатнинг базали тармоқларига, хусусан ёқилғи-энергетика мажмуаси корхоналарига жуда катта мадад бериб турди, бунда давлатнинг сиёсати қуйидагиларни назарда тутадиган энергетика сиёсатининг устувор йўналишларини амалга оширишга йўналтирилди:

- Нефть ва газ конденсати қазиб чиқаришни ошириш йўли билан ёқилғи мустақиллигини таъминлаш;
- Энергетика тармоғининг мустаҳкам хом ашё базасини яратиш;
- Аҳолига табиий ва суюқ газ, электр энергияси ва замонавий ёқилғи турларини максимал даражада етказиш;
- Энергетика тармоғининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва тармоққа қўшимча инвестицияларни жалб қилиш;
- Энергетиканинг бошқа турдош тармоқлари билан ўзаро алоқаси ва нархни шакллантириш борасидаги хусусиятларини инобатга оладиган норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш, молия-солиқ тизимини такомиллаштириш;
- Энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- Бозор ва бозор инфратузилмасининг тўлақонли субъектларини яратиш йўли билан энергетика соҳасида рақобат муҳитини изил шакллантириш.

Белгиланган мақсадларга эришиш учун бир қатор энергетика лойиҳалари амалга оширилди: Кўкдумалоқ нефть ва газ конденсати кони ўзлаштирилди, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилди, Муборак газни қайта ишлаш заводи қуввати ошириди, Янги Ангрен иссиқлик электростанциясида янги энергоблок ўрнатилди. Энергетика соҳасида янги

нефть ва газ қувурлари, электр узатиш линиялари қурилди. Қишлоқ аҳоли жойларини газлаштириш амалга оширилди.

Шу билан бирга, иқтисодиётнинг энергетика тармоғи фаолияти самарадорлигини ошириш ва бошқаришни такомиллаштиришга йўналтирилган ташкилий чоралар ҳам амалга оширилди:

- Электр энергетикаси тармоғининг барча корхона ва ташкилотлари Ўзбекистон энергетика ва электрофикация вазирлигига бўйсундирилди
- Нефть, нефтни қайта ишлаш ва газ саноати корхоналари базасида “Ўзбекнефтегаз” концерни яратилди, у кейинчалик миллий корпорацияга айлантирилди
- “Средазуголь” Ўрта Осиё бирлашмаси “Кўмир” акциядорлик бирлашмасига айлантирилди
- Ўзбекистон Республикаси Ваз.Мах. ҳузурида ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича махсус комиссия ташкил этилди.

Кейинчалик, мамлакатда энергетика таъминоти стратегиясини амалга ошириш, ёқилғи-энергетика мажмуасини республика иқтисодиётини барқарор ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини ошириш учун асосий база сифатидаги алоҳида ролини тан олиш мақсадида тармоқни бошқариш тузилмаси такомиллаштирилди:

- “Ўзбекнефтегаз” миллий корпорация “Ўзбекнефтегаз” МХК га айлантирилди, унинг таркибидаги бирлашмалар акциядорлик компанияларга айлантирилди. Уларга нефть ва газ тармоғи корхоналари акция пакетлари ва давлат мулкни самарали бошқариш масъулияти юклатилди.
- Энергетика ва электрофикация вазирлигининг тузилмавий ташкилотлари базасида “Ўзбекэнерго” ДАК яратилди, унинг таркибига “Ўзбекуголь” АЖ киритилди. Компаниянинг асосий вазифалари этиб республика иқтисодиётини ҳамда аҳолисини электр энергияси билан турғун таъминлаш, шунингдек қайта тикладиган энергетика технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш белгиланди.

Ўзбекистонда ёқилғи-энергетика сиёсатини ўтказишда қуйидаги давлат дастурлари амалга оширилди:

1. 2001-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси энергетикасида ишлаб чиқарувчи қувватларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш Дастури
2. 2002-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси кўмир саноатини ривожлантириш Дастури
3. 2003-2005 йилларда қишлоқ аҳоли пунктларини табиий газ билан таъминлаш Дастури
4. 2003-2005 йилларда олис, бориш қийин бўлган ва аҳолиси кам қишлоқ аҳоли пунктларини суюлтирилган газ ва бошқа ёнилғи турлари билан таъминлаш Дастури

Босқичма-босқич ислох этиш тамойилига асосланган ёқилғи-энергетика сиёсатини изчил амалга ошириш натижасида Ўзбекистон

нисбатан қисқа вақт ичида республика ёқилғи-энергетика мажмуасини турғун ва барқарор ривожлантиришга эришди.

Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика соҳасидаги асосий тех-икт. кўрсаткичлари:

Эл. энергиясини ишлаб чиқариш – 48 млрд. кВт соат (дунёда 53-чи ўринда)

Эл. энергиясини йиллик истеъмоли – 42,9 млрд. кВт соат (дунёда 52-чи ўринда)

Эл. энергияси экспорти – 11,66 млрд. кВт соат (дунёда 20-чи ўринда)

Электр энергияси импорти – 11,58 млрд. кВт соат (дунёда 19-чи ўринда)

Эл. станцияларнинг ўрнатилган қуввати – 12,3 млн. кВт (дунёда 52-чи ўринда, Марказий Осиёда 50%)

Нефть казиб чиқариш – 104400 баррель/кун (дунёда 48-ўринда)

Нефтнинг тасдиқланган захираси – 594 млн. баррель (дунёда 48-ўринда)

Табиий газ ишлаб чиқариш – 60,11 млрд. куб м (дунёда 16-чи ўринда)

Табиий газнинг тасдиқланган захираси – 1,841 трлн. куб. м (дунёда 20-чи ўринда)

3. Ёқилғи ва энергетика соҳаларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари.

Қонунлар:

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексининг 6-бўлими “Энергия таъминоти”

“Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги қонун (1997 йил 25 апрель) - Юридик ва жисмоний шахсларнинг ёқилғи казиб олиш, ёқилғи, иссиқлик ва электр энергияси ҳосил қилиш, уларни қайта ишлаш, сақлаш, ташиш, тақсимлаш ва сарфлаш билан боғлиқ фаолиятни тартибга солади.

“Электр энергетикаси тўғрисида”ги қонун (2009 йил 30 сентябрь) - электр энергетикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. Қонунга мувофиқ:

Электр энергияси - бир вақтнинг ўзида ҳосил қилиниши ва истеъмол қилиниши билан тавсифланадиган алоҳида турдаги товар.

Электр энергетикаси - электр энергиясини ҳосил қилиш, узатиш, тақсимлаш, сотиш ва истеъмол қилиш соҳаси.

ЎЗР ВМ қарорлари:

- 1992 йил 16 октябрдаги 474-сонли “Энергия ресурсларига бўлган нархларни давлат томонидан тартибга солиш тўғрисида”ги қарор.

- 2004 йил 1 мартдаги 96-сонли қарори билан тасдиқланган “Электрэнергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси тўғрисидаги Низом”

- 2006 йил 7 августдаги 164-сонли “Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларини энергетика текширувидан ва экспертизадан ўтказиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарор

- 2007 йил 11 январдаги 12-сонли “Электр энергияси истеъмолини барқарорлаштириш бўйича қўшима чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор
- 2001 йил 2 майдаги 203-сонли “Ўз.Р. кўмир саноатини техник қайта жиҳозлашнинг биринчи босқичини амалга ошириш борасидаги чоралар тўғрисида”ги қарор
- 2003 йил 7 августдаги 345-сонли “Кўмир таннархини пасайтириш ва кўмир саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор
- 2009 йил 5 июндаги 150-сонли “Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор
- 2009 йил 4 июлдаги 186-сонли “Хусусий операторлар фаолиятини ташкил этиш ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш чора-тадбирлари тўғрисида ” қарор

4. Ўзбекистон ёқилғи саноати ва уни бошқариш тизими.

Ўзбекистонда ёқилғи саноати табиий газ, нефть, кўмир казиб чиқаришни ва уларни қайта ишлашни ҳамда тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб беришни ўз ичига олади. Ўзбекистон ер қаъри катта захирага бой углеводород хомашёсига эга. Республика ҳудудининг 60% нефть ва газ мавжуд потенциал зоналар ҳисобланади. Республикада 211 дан ортиқ нефть ва газ конлари очилган. Улардан 108 таси газ ва газ конденсат, 103 таси нефть, нефть-газ ва нефть ва газ конденсат конларидир. Конларнинг 50% ишлаб турибди, 35% ўзлаштирилишига тайёр турибди, қолган конларда қидирув ишлари давом этмоқда. Нефть ва газ мавжуд бўлган бешта асосий минтақани ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар: Устюрт, Бухоро-Хива, Жануби-Ғарбий Ҳисор, Сурхондарё, Фарғона минтақаларидир. Нефть ва газ ресурсларининг захиралари бир триллион АҚШ долларида зиёд баҳоланмоқда. Ўзбекистонда нефть ва газ хомашёсини казий чиқариш ҳажми йилига 86 млн. Тонна шартли ёқилғини ташкил этади.

Нефть ва газ конденсатини қайта ишлаш 2 та заводда амалга оширилади:

1. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи (1959 йилда ишга туширилган, 2000 йилда реконструкция қилинган)
2. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи (1997 йилда ишга туширилган)

Газни қайта ишлаш 3 та заводда амалга оширилади:

1. Муборак газни қайта ишлаш заводи (1971 йилда ишга туширилган бўлиб, газ конденсати, суюлтирилган газ, газли техник олтингугурт каби маҳсулотларни ишлаб чиқаради)
2. Шўртан газни қайта ишлаш заводи (ҳар йили 20 млрд. куб м газни қайта ишлайди)
3. Шўртан газ-кимё комплекси (2001 йил ишга туширилган)

Сургил кони базасида курилатган Устюрт газ-кимё комплекси келгусида республикада тўртинчи газни қайта ишлаш заводи бўлади (лойиҳанинг қиймати – 25 млрд. долл., 2016 йилга ишга тушиш режалаштирилган)

Бугунги кунда Ўзбекистон ёғилғи саноати “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси томонидан бошқарилади.

Ўзбекистон ёқилғи саноатини бошқариш тизими Ўз.Р. Президентининг 1992 йил 3 майдаги “Ўзбекнефтгаз Ўзбекистон нефть ва газ саноати давлат концернини ташкил этиш тўғрисида” фармонини қабул қилиниши билан шакллантирилган.

Ўз.Р. Президентининг 1992 йил 23 декабрдаги фармонига мувофиқ “Ўзбекнефтгаз” давлат концерни “Ўзбекнефтгаз” миллий корпорацияга айлантирилган.

Ўз.Р. Президентининг 1998 йил 11 декабрдаги ПФ-2154 сонли фармонига асосан “Ўзбекнефтгаз” миллий корпорация “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компаниясига айлантирилган ҳамда Ваз.Маҳ. нинг 523-сонли қарори билан унинг фаолияти ташкил этилган.

“Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси – вертикал интеграциялашган уч поғонали холдинг компания бўлиб ҳисобланади. Унинг ҳозирги кундаги структураси ва бошқарув тизими Ўз.Р. Президентининг 2006 йил 21 августдаги ПК-446 сонли ҳамда 2008 йил 1 июлдаги ПК-906 сонли қарорларига мувофиқ тасдиқланган.

Унинг таркибига 6 акциядорлик компаниялари киради:

1. “Ўзгеобурнефтегаз” АК – геология-қидирув ишларини, нефть ва газ кудукларини дастлабки бурғилашни амалга оширади.
2. “Ўзнефтегаздобыча” АК – нефть ва газ конларини ишлаб чиқиш, нефть, газ ва газ конденсатини қазиб чиқариш ҳамда табиий газни қайта ишлаш билан шуғулланади.
3. “Ўзтрансгаз” АК – аҳолини табиий газ билан таъминлайди, газни ер остида сақлаш ва транспортда ташишни амалга оширади, газни чет давлатларга чиқаришни таъминлайди.
4. “Ўзнефтмахсулот” АК – республика нефтни қайта ишлаш заводларини бошқаради, нефть ва газ конденсатини қайта ишлашни амалга оширади, нефть маҳсулотларини республика аҳолиси ва иқтисодиёт бошқа тармоқларига сотади, ўзининг нефть базалари, терминаллари ва ёқилғи қуйиш станциялари тармоғига эга.
5. “Ўзнефтегазстройинвест” АК – нефть ва газни қазиб чиқариш, ташиш ва қайта ишлаш объектларини лойиҳалаш, капитал куриш ва ташкил этишни амалга оширади.
6. “Ўзнефтегазмаш” – нефть-газ ва газ-кимё корхоналари учун машинасозлик маҳсулотларини ишлаб чиқаради, нефть-газ саноатининг машинасозлик заводлари фаолиятини мувофиқлаштиради.

5. Ўзбекистон электр саноати ва уни бошқариш тизими.

Ўзбекистон электрэнергетикаси 2001 йилдан бошлаб “Ўзбекэнерго” Давлат акциядорлик жамияти шаклида фаолият кўрсатиб келмоқда ва ўз ичига кўмир саноати корхоналарини ҳам олган.

Компания таркибига 53 та корхона ва ташкилот, шу жумладан 39 та очик акциядорлик жамияти, 11 та унитар корхона, 2 та масъулияти чекланган жамият ва компаниянинг “Энергосотиш” филиали киради.

Иқтисодий ислохотлар йиллари мобайнида соҳанинг энергетик корхоналари томонидан ҳар йили 48 млрд. кВт.соат электр энергияси ва 10 млн. Гкал.дан ортиқ иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилмоқда, бу эса иқтисодиёт ва аҳолининг электр энергиясига бўлган талабини тўлиқ қондирмоқда.

Ўзбекистон электр станцияларининг ўрнатилган қуввати 12,3 млн. кВт.дан ортади ва бутун Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизимидаги ишлаб чиқариш қувватларининг деярли 50 фоизини ташкил этади.

Ўзбекистон энергетика тизими умумий ўрнатилган қуввати 12,0 млн. кВт бўлган 39 та электр станцияларини ҳамда умумий қуввати 10,6 млн. кВт бўлган 5 та йирик иссиқлик электр станцияларини ўз ичига олган. Толимаржон, Сирдарё, Янги Ангрен ва Тошкент ИЭС каби йирик ИЭС лар 85% дан ортиқроқ электр энергиясини ишлаб чиқаради. Электр энергиясини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бирламчи энергия ресурслари таркибида газ улуши 90,8 фоизни, мазут улуши 5,3 фоизни, кўмир улуши 3,9 фоизни ташкил этади. Бу тенденция яқин келажакда ҳам сақланиб қолади – асосий ёқилғи табиий газ бўлиб қолади, ёқилғи балансида кўмирнинг улуши 10 – 12 фоизга ортади.

Электр энергетикаси соҳасида давлат томонидан тартибга солишни амалга оширувчи органлар

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
- электр энергетикаси соҳасидаги махсус ваколатли орган;
- электр энергетикаси соҳасидаги давлат назорати органи;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

Электр энергетикаси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг электр энергетика хавфсизлигини таъминлаш;
2. Ягона электр энергетикаси тизимининг хавфсиз ва ишончли ишлаб туришини таъминлаш, истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш;
3. Истеъмолчиларнинг ҳудудий электр тармоқларидан тенг фойдаланишини таъминлаш;
4. Энергия ҳосил қилувчи қувватларни ва электр тармоқларини реконструкция қилиш, модернизациялаш, ривожлантириш жараёнларига инвестициялар жалб қилиш;
5. Электр энергиясини ҳосил қилиш, узатиш ва сотиш бўйича бошқарув ҳамда хўжалик алоқалари тизимида бозор принциплари ва механизмларини жорий этиш;
6. Электр энергетикасининг мутаносиб ривожланишини таъминлаш;

7. Электр энергиясидан ва ёкилги-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш

Электр энергетикаси соҳасидаги махсус ваколатли орган – “Ўзбекэнерго” ДАК нинг асосий вазифалари:

- ягона электр энергетикаси тизимининг хавфсиз ва ишончли ишлаб туришини ҳамда истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжлари қаноатлантирилишини таъминлайди;
- электр энергетикасини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқади;
- электр энергиясини ҳосил қилиш ва унинг истеъмоли балансини шакллантиришда иштирок этади ҳамда электр энергияси тарифлари юзасидан таклифлар киритади;
- ягона электр энергетикаси тизимининг ишлаб туриши режимини белгилайди;
- магистраль электр тармоқларини бошқаради;
- энергия ҳосил қилувчи қувватларни ва электр тармоқларини реконструкция қилиш, модернизациялаш, ривожлантириш тадбирларини амалга оширади;
- ягона электр энергетикаси тизимининг тизим оператори, электр энергиясининг ягона харид қилувчиси, магистраль электр тармоқлари корхонаси фаолияти устидан назоратни амалга оширади;
- электр энергетикаси соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;
- электр энергетикаси соҳасида техник жихатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ишларини мувофиқлаштиради;
- электр энергетикаси объектларидаги илмий тадқиқот, созлаш, таъмирлаш ва муҳандислик-лойиха ишларини мувофиқлаштиради;
- электр энергияси ва ёкилги-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш чора-тадбирларининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этади;

Ўзбекистон кўмир саноати

Ўзбекистон қидириб топилган кўмирнинг 1900 млн. тонна миқдоридаги захираларига эгадир, шу жумладан қўнғир кўмир захиралари - 1853 млн. тоннани, тошкўмир захиралари - 47 млн. тоннани ташкил этади. Прогноз ресурслари 5,7 млрд. тоннадан кўпроқдир. Тошкўмирнинг катта захиралари республиканинг жанубий ҳудудларида – Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида тўпланган. Ҳозирги пайтда 3та қонда: Ангрен, Шарғун ва Бойсун қонларида кўмир қазиб чиқарилмоқда.

Ўзбекистонда кўмир қазиб чиқаришни «Ўзбекэнерго» ДАК таркибига қирувчи «Ўзбеккўмир» ОАЖ, шунингдек «Шарғункўмир» ОАЖ ва «Апартак» ОАЖ амалга оширади. Ангрен қонидаги «Ангрен» кўмир разрезини кўмир захираларини очиқ усулда қазиб олади, бундан ташқари «Еростигаз»

ОАЖ томонидан ер остида газлаштириш усули билан қўнғир кўмрдан газ ишлаб чиқарилади.

«Ўзбеккўмир» ОАЖ ҳар йили 3 млн.тоннага яқин кўмир қазиб чиқаради. Кўмир ёқилғисининг асосий истеъмолчиси электр энергетикаси сектори бўлиб, унинг улушига умумий истеъмол қилинадиган кўмирнинг 85 фоизи тўғри келади. Саноат, ижтимоий ва коммунал соҳа корхоналари ҳам кўмир ёқилғисига бўлган талабни шакллантирадилар.

6. Республикада ёқилғи-энергетика мажмуасини ривожлантириш йўналишлари ва истикболлари.

Кўрсаткичлар	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Саноат маҳсулотлари, млрд. сўм	14521,1	18314,7	23679,0	28009,3	33580,5	41655,9	50730,6
ўтган йилга нисбатан ўсиш, %	110,8	112,1	112,7	109,0	108,3	106,3	107,6
Электрэнергетика, млрд. сўм	1451,0	1718,7	2032,6	2484,0	2822,3	3349,3	4007,3
ўтган йилга нисбатан ўсиш, %	106,1	101,9	99,6	101,2	104,5	101,0	102,4
Ёқилғи саноати, млрд. сўм	2486,9	3288,4	4761,3	6008,9	6440,1	7298,0	9294,8
ўтган йилга нисбатан ўсиш, %	105,9	110,1	123,9	110,3	103,5	100,3	106,2
Ёқилғи-энергетика саноатига инвестициянинг жами инвестиция ҳажмидаги улуши, %	14,7	20,4	13,8	14,0	28,6	15,2	17,1
Энергия ва нефть маҳсулотлари экспортининг жами экспорт структурасидаги улуши, %	13,1	20,2	25,2	34,2	24,8	18,5	35,1
Энергия ва нефть маҳсулотлари импортининг жами импорт	4,2	3,3	2,1	3,5	6,0	8,1	7,6

структурасидаги улуши, %							
-----------------------------	--	--	--	--	--	--	--

Ёқилғи ва энергия маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари

Ўзбекистон электр энергетикасини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари:

- иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, электр энергия бозорини шакллантириш ва ривожлантириш;
- республика иқтисодиётини ва аҳолисини сифатли электр энергияси билан ишончли таъминлаш;
- энергетик корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш, уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;
- энергетик ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш;
- Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизими доирасида интеграцион жараёнларни янада ривожлантириш.

Кўмир саноатини устувор ривожлантириш учун асосий омиллар:

- қимматроқ энергия ресурсларини мамлакат иқтисодиётининг эҳтиёжлари учун бўшатиш мақсадида, уларни кўмир билан алмаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги;
- мамлакатнинг ёқилғи – энергетик баланси таркибида кўмир улушини ошириш зарурати.
- Кўмир саноатини янада ривожлантириш дастури корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш, кон ишларининг самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган, ресурсларни тежайдиган янги, прогрессив технологияларни жорий этиш.

Назорат учун саволлар:

1. Ёқилғи-энергетика мажмуаси ва унинг ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришдаги аҳамияти қандай?
2. Ёқилғи саноати ва унинг таркибини изоғлаб беринг.
3. Электрэнергетика саноати ва унинг таркибини изоҳлаб беринг.
4. Ёқилғи ва электр энергиясини транспортда ташиш ва тақсимлаш қандай амалга оширилади?
5. Давлатнинг ёқилғи-энергетика сиёсати нима, унинг моҳияти ва аҳамияти қандай?
6. Ўзбекистонда ёқилғи ва энергетика соҳаларини тартибга солишнинг қандай ҳуқуқий асослари мавжуд?
7. Ўзбекистон ёқилғи саноати ва уни бошқариш тизимини тушунтириб беринг

8. Ўзбекистон электр энергетикаси саноати ва уни бошқариш тизимини тушунтириб беринг.
9. Ўзбекистонда ёқилғи-энергетика тизимини ривожлантиришнинг қандай йўналишлари ва истикболлари белгиланган?

9-мавзу. Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожланишида молия институтларининг роли

Режа:

1. Бозор иқтисодиётида молия институтлари, уларнинг функциялари ва асосий турлари.
2. Кредит ташкилотлари ва уларнинг фаолияти.
3. Суғурта компаниялари ва уларнинг фаолияти.
4. Инвестиция фондлари ва инвестиция компаниялари.
5. Фонд биржалари ва уларнинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги иштироки.
6. Лизинг компаниялари ва уларнинг молия институти сифатидаги фаолияти.
7. Халқаро молия институтлари ва уларнинг инфратузилмани ривожлантиришдаги роли.

1.Бозор иқтисодиётида молия институтлари, уларнинг функциялари ва асосий турлари.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Молия-банк тизимининг янада мустаҳкамланиши хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, кредит уюшмалари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ҳисобидан банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш билан ҳам боғлиқ. Бу эса банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақобатнинг кенгайиши ҳамда миқдорларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига имкон беради ва энг юксак халқаро стандартлар талабига мос замонавий бозор инфратузилмасининг ривожланиши учун шароит яратади”⁵.

Бозор иқтисодиётига ўтган ҳар қандай мамлакат молиявий тизимининг асосий элементларидан бири молиявий бозорлар ва молия институтлари ҳисобланади.

Тор маънода, **молия институти** – бу пул маблағларини етказиш, кредитлаш, инвестициялаш ва уларни турли молиявий инструментлар ёрдамида ўзлаштириш бўйича операциялар билан шуғулланадиган ташкилотдир. Кенг маънода, **молия институти** – бу пул маблағлар оборотига хизмат кўрсатадиган ва уларнинг айланишини таъминлайдиган, молиявий инструментларни жалб қилиш, жойлаштириш, жамғариш, бериш, етказишни амалга оширадиган, шунингдек унга берилган ҳуқуқлар ва қабул қилинган мажбуриятлар (тегишли лицензия) асосида молия бозорида турли операцияларни мустақил ва топшириқ бўйича олиб борадиган ва ўз ваколати доирасидаги фаолияти учун тўла масъулиятни зиммасига олган ихтисослаштирилган корхона, ташкилот, муассаса.

⁵ И.А.Каримов. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси, 2010 йил 12 ноябр.

Молия институтининг асосий вазифаси – молия бозорида воситачиликни ташкил этиш ва воситачи сифатида хизмат кўрсатиш, яъни пул маблағларини (тўғри ёки билвосита шаклда) омонатчидан (инвестор) қарз олувчига (компания) самарали етказиб бериш ва жойлаштиришдир. Молия институтлари иқтисодиёт бўйлаб пул оқимини айланиши таъминлаб туришини таъминлай ва қуйидаги **функцияларни** бажаради:

1. Молиявий ресурсларни жамғариш;
2. Воситачилик;
3. Молиявий трансформация;
4. Рискни ўтказиш (суғурталаш);
5. Валюта операцияларни ташкил этиш;
6. Ликвидликни таъминлашга қўмаклашиш;
7. Компаниялар ташкилий-ҳуқуқий шакллари ўзгартириш бўйича операцияларни ташкил этиш.

Молия институтларининг **жамғариш** функцияси пул маблағларини уларни кейинчалик ишлатиш (мақсадли инвестициялаш ва истеъмол қилиш) учун жамлашни назарда тутди.

Воситачилик молия институтларининг асосий функцияси ҳисобланиб, жамғариш функциясини мантиқан тўлдириб туради, чунки жамғариладиган пул маблағларни тўплаб ҳамда улар учун тўловларни амалга ошириб, молия институти даромад келтирадиган маблағларни ишлата билиши керак, бу эса нафақат омонатчиларга тўлаш учун, балки ўзига фойда сифатида қолиш учун етарли бўлади.

Молия институтларининг **молиявий трансформация** функцияси шундан иборатки, қисқа муддатли молиявий активлар узоқ муддатли молиявий активларга айлантирилади. Бунга эса активларни секьюритизация қилиш йўли билан эришилади, яъни бунда кредит ташкилоти нисбатан ўхшаш мол-мулк билан таъминланган кредитларни гуруҳлаб, умумий таъминланган мол-мулк остида қимматли қоғозларни чиқаради.

Молия институтларининг **рискни ўтказиш** функцияси турли усуллар билан эришилади, хусусан гарантиялар ва кафолатларни олиш, рискни бир қисмини молиявий воситачига ўтказиш, рискни суғурталаш.

Молия институтлари **валюта операцияларни ташкил этиш** орқали компанияларга халқаро моддий бойликлар ва ишлаб чиқариш омиллари бозорига чиқишларига ёрдам беришади. Бундай операцияларга қўшма корхонани ташкил этиш, хорижий инвесторни ахтариш истаги, чет эл ваколатхонасини очиш, хориждан янги техникани сотиб олиш ва ҳ.к. киради.

Ликвидликни таъминлашга қўмаклашиш функциясини бажаришда молия институтлари юқори ликвидли молиявий маҳсулотларни (яъни акциялар, қисқа муддатли облигациялар) таклиф қилиш орқали компанияларга ўз пул маблағларини ушбу молиявий маҳсулотларга инвестиция қилишларига ва шу тариқа уларнинг активларини ликвидли бўлишига қўмаклашади.

Компаниялар ташкилий-ҳуқуқий шакллари ўзгартириш бўйича операцияларни ташкил этиш функцияси молия институти томонидан

муайян компаниянинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини, масалан, МЧЖ ни ОАО га айлантириш бўйича тартиботни амалга оширишни ва бунда компанияга қўшимча молиялаштиришни олиш имкониятини беришни назарда тутди.

Молия институтларининг асосий турлари:

1. Банклар:
 - 1) Тижорат банки;
 - 2) Инвестиция банки;
 - 3) Ипотека банки.
2. Нобанк кредит ташкилотлари:
 - 1) Ломбард;
 - 2) Кредит ширкати (19-асрда Россия империясида);
 - 3) Ўзаро кредит жамияти (19-20 асрларда Россияда)
 - 4) Кредит уюшмаси (ёки кредит кооперативи);
 - 5) Суғурта компанияси;
 - 6) Хусусий пенсия фонди;
 - 7) Лизинг компанияси;
 - 8) Молиявий компаниялар.
3. Инвестицион институтлар:
 - 1) Фонд биржаси;
 - 2) Инвестицион фонд ва инвестицион компания;
 - 3) Инвестицион воситачилар (брокер, дилер, андеррайтер)

2.Кредит ташкилотлари ва уларнинг фаолияти.

Кредит ташкилоти – бу ўз асосий фаолиятининг мақсади сифатида фойда олиш учун Марказий банкнинг махсус рухсати (лицензия) асосида банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс. Кредит ташкилотлари Ўз.Р. МБ да давлат рўйхатидан ўтказилади.

Кредит ташкилотларининг икки асосий гуруҳи ажратилади:

1. Тижорат банклари
2. Нобанк кредит ташкилотлари

Ўзбекистон Республикасида асосий фаолияти кредитлар ажратиш бўлган қуйидаги кредит ташкилотлари фаолият кўрсатади:

3. Тижорат банклари
4. Микрокредит ташкилотлари
5. Ломбардлар
6. Чет эл банклари ваколатхоналари

Тижорат банки - тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган қуйидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир: юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш, тўловларни амалга ошириш. Ўзбекистонда банклар акциядорлик жамияти тарзида ташкил этилади. Банкларнинг асосий турлари:

- Универсал банк – банк операцияларнинг барча асосий турларини амалга оширадиган банк;

- Инвестиция банки – инвестицияларга, хусусан қимматли қоғозларга ихтисослашган банк

- Жамғарма банки – аҳолини пул маблағларини жалб қилишга ихтисослашган банк

- Ипотека банки – ипотека кредитини беришга ихтисослашган банк

Нобанк кредит ташкилоти – бу қонун билан белгиланган алоҳида банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини қонуний тартибда олган тижорат ташкилоти.

2014 йил 1 апрель ҳолатида Ўзбекистонда жами 29 та тижорат банклари фаолият кўрсатади. Улар капиталининг умумий қиймати 6,3 трлн. сўмни ташкил этади. Бугунги кунда банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 24 фоизни ташкил этади ва у халқаро банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан қабул қилинган талаб (8 фоиз) га нисбатан 3 баробар юқори бўлиб, 2014 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра банк активлари 36,4 трлн. сўмдан ошиб кетди. Республиканинг етакчи банклари: Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Асакабанк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Агробанк», «Ипотекабанк» ҳамда «Ипак йўли», Халқ банки, «Қишлоққурилиш банк», «Микрокредитбанк». Банклар томонидан, шунингдек устувор вазифа қилиб белгиланган мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш борасида ноанъанавий ёндашувнинг амалга оширилиши натижасида тижорат банклари балансига қабул қилинган 120 та иқтисодий ночор корхона ишга туширилиб, янги стратегик инвесторларга сотилди. Натижада 25 мингдан зиёд қўшимча иш ўринлари яратилди. Мазкур корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган 560 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлар экспорт қилинди.

Микрокредит ташкилоти – бу микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш соҳасида хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва қонунда белгиланган бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатувчи юридик шахс. Микрокредит ташкилотлари юридик ва (ёки) жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши мумкин. 2014 йил 1 апрель ҳолатида Ўзбекистонда жами 29 та микрокредит ташкилотлари лицензия асосида фаолият кўрсатади, улар қуйидаги асосий хизмат турларини амалга оширишади:

- **Микрокредит** - қарз олувчига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг 1000 баравари миқдоридан ошмайдиган суммада тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида бериладиган пул маблағлари.

- **Микроқарз** - жисмоний шахс бўлган қарз олувчига энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдоридан ошмайдиган суммада муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида бериладиган пул маблағлари.

- **Микролизинг** - лизинг олувчининг топшириғига биноан учинчи тарафдан мол-мулк олиш ҳамда уни эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига шартномада белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бериш назарда тутиладиган хизмат бўлиб, лизинг энг кам иш ҳақининг 2000 баравари миқдоридан ошмайдиган суммада берилади.

Ломбард – бу ихтисослашган тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий фаолияти тури бўлиб аҳолининг кўчар мулк залоги остида ва бошқа буюмларни сақлаш асосида уларга қисқа муддатли қарзларни бериш ҳисобланади. Ломбардар ЎзР МБ нинг махсус лицензияси асосида фаолият юритади. Ломбардларда қимматли металл буюмлари, автотранспорт каби мулклар қабул қилинади, уларнинг қиймати эса томонлар келишувига биноан белгиланади. 2014 йил 1 апрель ҳолатида Ўзбекистонда жами 45 та ломбардлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг барчаси масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилган.

Чет эл банклари ваколатхоналари - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аккредитация қилинган чет эл банклари томонидан очилган ваколатхоналар. 2014 йил 1 апрель ҳолатида Ўзбекистонда жами 6 та чет эл банклари ваколатхоналари фаолият кўрсатади:

1. «Покистон миллий банки» (National Bank of Pakistan), Покистон
2. «Коммерцбанк АГ» (Commerzbank AG), Германия
3. «Ландесбанк Берлин АГ» (Landesbank AG) Германия
4. «Джей Пи Морган Чейз Банки» (JPMorgan Chase Bank, N.A.) АҚШ
5. «Корея экспорт-импорт банки» (Export-Import Bank of Korea) Корея Республикаси
6. «Шинхан банки», (Shinhan bank) Корея Республикаси

Банклар ва нобанк кредит ташкилотлари ва уларнинг фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари:

Қонунлар:

- “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонун (1995 йил 21 декабрь);
- “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонун (1996 йил 25 апрель);
- “Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун (2012 йил 17 декабрь);
- “Банк сири тўғрисида”ги Қонун (2003 йил 30 август);
- “Кредит ахборот алмашинуви тўғрисида”ги Қонун (2011 йил 4 октябрь);
- “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонун (2006 йил 15 сентябрь);
- “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги Қонун (2006 йил 20 сентябрь);
- “Ипотека тўғрисида”ги Қонун (2006 йил 4 октябрь);
- “Истеъмол кредити тўғрисида”ги Қонун (2006 йил 6 май).

3.Суғурта компаниялари ва уларнинг фаолияти.

Суғурта – бу юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шунингдек суғурталовчининг бошқа маблағларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ходисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш.

Суғурта фаолияти - суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти. Ўз.Р. да суғурта фаолияти Молия вазирлиги томонидан лицензияланади.

Суғурта компаниялари – суғурта фаолияти билан шуғулланадиган суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари.

Суғурта бозорининг тузилиши 3 жиҳати билан характерланади: институционал, ҳудудий ва тармоқ жиҳатлари.

Институционал жиҳати бўйича суғурта бозори қуйидагилардан иборат:

- 1) Давлат суғурта компаниялари;
- 2) Акциядорлик суғурта компаниялари;
- 3) Хусусий суғурта компаниялари;
- 4) Корпоратив суғурта компаниялари;
- 5) Ўзаро ва бошқа суғурта компаниялар

Ҳудудий жиҳати бўйича суғурта бозори қуйидагиларга бўлинади:

- 1) Маҳаллий (ҳудудий) суғурта бозори;
- 2) Миллий (ички) суғурта бозори;
- 3) Жаҳон (ташқи) суғурта бозори

Тармоқ жиҳати бўйича қуйидагилар:

- 1) Шахсий суғурта
- 2) Мол-мулк суғуртаси
- 3) Жавобгарлик суғуртаси

Ўзбекистонда суғурта бозори динамик тарзда ривожланиб бораётган тармоқлардан бири ҳисобланиб, бунда унинг салоҳияти ошиб бормоқда. Мамлакатимизда суғурта бозорининг ривожланиши суғурта фаолиятини монополиядан чиқариш билан бошланган ва натижада муқобил суғурта ташкилотларининг сони ўсиши кузатилган. Суғурта фаолиятига давлат монополияси Ўз.Р. Президентининг 1997 йил 25 февралдаги 125-сонли “Ўзагросуғурта давлат акциядорлик суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони билан тугатилди.

1 апрель 2014 йил ҳолатига кўра, Ўзбекистонда жами 36 та лицензияланган суғурта компаниялари фаолият кўрсатади. Шундан 33 таси умумий суғурталаш билан, 2 таси ҳаётни суғурталаш билан ва биттаси фақат қайта суғурталаш фаолияти билан шуғулланади.

Суғурта компаниялари ва уларнинг фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари:

Қонунлар:

- “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонун (2002 йил 5 апрель);

- “Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида”ги Қонун (1993 йил 7 май);
- “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонун (2008 йил 21 апрель);
- “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонун (2009 йил 16 апрель).

Ўз.Р.Президенти Қарорлари:

- “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-872 сонли қарор (2008 йил 21 май)
- “Суғуртачининг молиявий барқарорлигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1544 сонли қарор (2011 йил 31 май)

4.Инвестиция фондлари ва инвестиция компаниялари.

Инвестиция фонди – инвесторларнинг пул маблағларини жалб қилиш ва уларни қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозларга, бошқа инвестиция активларига, шунингдек банклардаги ҳисобварақларга ва омонотларга қўйиш мақсадида акциялар чиқарадиган юридик шахс. Инвестиция фондлари коллектив инвестициялашни амалга оширади ва одатда акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилади.

Инвестиция компанияси - инвестиция фондларининг инвестиция активларини бошқариш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс

- Инвестиция фондларининг асосий турлари:
 - Акциядорлик инвестиция фонди
 - Хусусийлаштириш инвестиция фонди
 - Пай фонди -
 - Хеж-фонд
 - Чекли инвестиция фонди
- Инвестиция фондларининг функциялари:
- Индивидуал инвесторларнинг жамғарма маблағларини тўплаш;
 - Инвестион ресурсларни самарали бошқариш;
 - Индивидуал инвесторларнинг маблағларини турли молиявий инструментларга қўйиш (акция ва бошқа қимматли қоғозлар) орқали рискларни диверсификация қилиш;
 - Қимматли қоғозлар бозорида операцияларни ўтказиш харажатларини кўп сонли операциялар ҳисобида камайтириш.

Инвестицион фонд ва инвестицион компаниялари фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари:

Қонунлар:

- “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун (1996 йил 26 апрель);

- “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонун (2008 йил 13 февраль);

Қарорлар:

- Ўз.Р. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 сентябрдаги 410-сонли қарори билан тасдиқланган
 - Инвестиция фондлари тўғрисидаги Низом;
 - Хусусийлаштириш инвестиция фондлари тўғрисидаги Низом

Келажакда қабул қилиниши кўтиляётган қонун: “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”ги янги Қонун

5.Фонд биржалари ва уларнинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги иштироки.

Биржа - аввалдан тайинланадиган манзил ва вақтда белгиланган қоидалар асосида очик савдо-сотик ўтказиш орқали биржа товарлари билан эркин улгуржи савдо қилиш учун шарт-шароитлар яратувчи, юридик шахс ҳисобланадиган корхонадир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда қуйидаги биржалар фаолият кўрсатиб келмоқда:

1. Республика фонд биржаси “Тошкент”
2. Ўзбекистон Республикаси товар-хонашў биржаси
3. Республика универсал агросаноат биржаси
3. Ўзбекистон Республикаси Валюта биржаси

Фонд биржаси — фаолияти қимматли қоғозларнинг айланиши учун зарурий шароитларни таъминлаш, уларнинг бозор нарҳини аниқлаш ва улар тўғрисидаги ахборотни тарқатиш, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг юқори даражадаги профессионаллиги таъминлаш ҳисобланган ташкилот.

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар “Тошкент” Республика фонд биржаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасининг фондлар бўлимида амалга оширилади.

“Тошкент” РФБ Ўз.Р. Президентининг 1994 йил 21 январдаги 745-сонли “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хуусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармониға ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 январдаги 36-сонли қарори билан ташкил этилган.

Фонд биржасининг профессионал иштирокчилари:

Брокер — қимматли қоғозлар билан олди-сотди битимлари тузилишида ўз миқозларининг топшириғига биноан ва уларнинг номидан воситачилик хизматини амалга оширувчи шахс.

Дилер — фонд биржасида ўз номи ва ўз ҳисобидан қимматли қоғозлар билан воситачиликни амалга оширувчи шахс.

Андеррайтер — эмитент қимматли қоғозларини чиқариш ва кафолатли жойлаштириб бериш бўйича хизматларни кўрсатувчи ташкилот.

Фонд биржалар ва уларнинг фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари:

Қонунлар:

- “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Қонун (1992 йил 2 июль)
- “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонун (2008 йил 13 февраль)
- “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун (1996 йил 26 апрель)

Қарорлар:

- Ўз.Р. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 февралдаги 66-сонли “Биржа фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги қарори
- Ўз.Р.Президентининг 2012 йил 19 мартдаги ПҚ-1727-сонли “Фонд бозорини янада ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори
- **Келажакда қабул қилиниши кутилаётган қонун:** “Биржа фаолияти тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонун

6.Лизинг компаниялари ва уларнинг молия институти сифатидаги фаолияти.

Лизинг — молиявий ижаранинг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб олади ва уни лизинг олувчига шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради.

Лизинг объектлари - Тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай ашёлар, шу жумладан корхоналар, мулкый комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулк.

Лизинг субъектлари - лизинг берувчи, лизинг олувчи ва сотувчи.

Лизинг компанияси - лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчига келгусида топшириш мақсадида лизинг объектини мулк қилиб олувчи юридик шахс.

Ўзбекистонда лизинг лицензияланмайдиган фаолият тури бўлиб ҳисобланади ва у бўйича операциялар нафақат ихтисослашган лизинг компаниялари, балки тижорат банклари томонидан ҳам амалга оширилади. Бугунги кунда мамлакатимизда лизинг капитал йўқилмаларни инвестициялашнинг энг истикболли йўлларида бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда лизинг бозорини ривожланиш босқичлари:

1-босқич: 1991-1999 йй. Лизингнинг халқаро механизмларини жорий қилиш ва қонунчилик асосларини шакллантириш.

2-босқич: 1999-2005 йй. Лизинг соҳасидаги ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва лизинг бозорининг ҳосил бўлиши.

3-босқич: 2005-2012 йй. Лизингни оммавийлаштириш ва лизинг бозорида рақобатли муҳитни шакллантириш. ажратмаларини барчаси чегириб ташланади.

Ўзбекистонда лизинг бўйича қуйидаги имтиёзлар ва афзалликлар берилган:

- Лизингга бериш учун Ўзбекистонга олиб кириладиган технологик ускуналар ҚҚС ва божхона божидан озод қилинади
- Лизинг тўловлари ҚҚС га тортилмайди
- Лизинг олувчи лизинг объекти бўйича мулк солиғи тўламайди
- Лизинг олувчининг фойда солиғи бўйича солиққа тортиладиган базасини белгиланаётганда уни жами даромадидан лизингга оид фоизлар ҳамда лизингга олинган асосий воситалар бўйича амортизация ажратмаларини барчаси чегириб ташланади

Лизинг компаниялари ва уларнинг фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари:

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 6-бўлим. “Лизинг”, 587-599-моддалар.
- Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси
- “Лизинг тўғрисида”ги Қонун (1999 йил 14 апрель)
- Ўз.Р. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти №6 “Ижара ҳисобини юритиш”
- Ўз.Р. Президентининг 2002 йил 28 августдаги ПФ-3122-сонли “Лизинг тизимини янада рағбатлаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони
- Ўз.Р. Президентининг 2012 йил 10 майдаги ПҚ-1754-сонли “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори.

7.Халқаро молия институтлари ва уларнинг инфратузилмани ривожлантиришдаги роли.

Жаҳондаги халқаро молия институтлари:

1. Осиё тараққиёт банки (Ўзбекистон 1995 йилда аъзо бўлган).
2. Ислон тараққиёт банки (Ўзбекистон 2003 йилда аъзо бўлган).
3. Халқаро молия корпорацияси (Ўзбекистон 1993 йилда аъзо бўлган).
4. Жаҳон банки (Ўзбекистон 1992 йилда аъзо бўлган).
5. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (Ўзбекистон 1992 йилда аъзо бўлган).
6. Европа тикланиш ва тараққиёт банки (Ўзбекистон 1992 йилда аъзо бўлган).
7. Халқаро валюта фонди (Ўзбекистон 1992 йилда аъзо бўлган).
8. Халқаро тараққиёт уюшмаси (Ўзбекистон 1992 йилда аъзо бўлган).

Ўзбекистонда халқаро молия институтлари иштирокида қуйидаги инфратузилма лойиҳалари молиялаштирилган:

Осиё тараққиёт банки иштирокида:

1. “Инфратузилмаларни ривожлантириш, шунингдек Сирдарё вилояти Оқ олтин туманидаги таркиби ўзгартирилган хўжаликларни қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси (1999) – 40 млн. долл. кредит.
2. “Ўзбекистон Республикасига кичик ва ўрта корхоналар лойиҳаларини маблағ билан таъминлаш” (2001) – 50 млн. долл. кредит

3. “Гулистон, Жиззах ва Қарши шаҳарларининг сув таъминоти тизимини такомиллаштириш” (2002) – 36 млн. долл. имтиёзли кредит

4. “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ичимлик сув таъминоти тизимини такомиллаштириш” (2002) – 38 млн. долл. имтиёзли кредит

5. “Аму-Занг машина канали тизимини тиклаш” (2004) – 112,6 млн. долл. имтиёзли кредит

6. “Электр энергияси узатиш магистрал тармоқларини замонавийлаштириш” (2004) – 70 млн. долл. имтиёзли кредит

7. “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларидаги ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш” (2007) – 60,2 млн. долл. имтиёзли кредит ва 18,5 млн. СДР (экв. 27,6 млн. долл.)

8. “Минтақавий автомобиль йўллари ривожлантириш, 1-фаза” (2008) – 75,3 млн. долл. имтиёзли кредит

9. “Сурхондарё вилоятининг сув таъминоти ва санитарияси” (2009) – 30 млн. долл. имтиёзли кредит ва 1,5 млн. долл. Грант

10. “Фарғона ва Зарафшон водийларида сув ресурсларини бошқариш” (2009) – 10,04 млн. СДР (экв. 15 млн. долл.) ва 85 млн. долл. имтиёзли кредитлар

11. “Минтақалараро Дамхўжа сув қувурига Навоий ва Бухоро вилоятларининг туман марказларини улаган ҳолда уни модернизация қилиш. Термиз шаҳрининг канализация тизимини реконструкция қилиш” (2010) – 300 млн. долл. ва 38,34 млн. СДР (экв. 60 млн. долл.) кредитлар

12. “Минтақавий автомобиль йўллари ривожлантириш, 2-фаза” (2010) – 600 млн. долл. имтиёзли кредит

Жаҳон банки гүруҳи иштирокида:

1. “Бухоро ва Самарқанд шаҳарларини сув билан таъминлаш” (2002) – 62,33 млн. долл. имтиёзли кредит ва грант

2. “Ўзбекистоннинг дренаж лойиҳаси. Жанубий Қорақалпоғистон-дан дренаж ўтказиш” (2004) – 74,55 млн. долл. имтиёзли кредит

3. Қуйидаги йўналишлар бўйича бошқа лойиҳалар:

- ирригация-мелиорация тармоғини реконструкция қилиш ва самарадорлигини ошириш;

- электроэнергетикада ҳосил қилувчи қувватларни модернизация қилиш;

- шаҳар ва қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш;

- ижтимоий инфратузилмани (таълим, соғ. сақлаш) ривожлантириш

Европа тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида:

1. “Тошкент халқаро аэропортини реконструкция қилиш” (1998) – 48 млн. долл. имтиёзли кредит.

2. “Дизель локомотивлари паркини замонавийлаштириш” (2003)

Ислон тараққиёт банки иштирокида:

1. “Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ирригация-дренаж тармоқларини тиклаш” (2009) – 52,65 млн. долл. имтиёзли кредит, шунингдек, ОПЕК дан –

12,72 млн. долл. ва Қувайт араб иқтисодий тараққиёт фондидан – 15,62 млн. долл. имтиёзли кредитлар

2. “Ўзбекистонда гидроэлектр станцияларини модернизациялаш” (2012) – 100 млн. долл. имтиёзли кредит

3. “Тошкент шаҳри кўчаларни ёритиш тизимида самарали энергия технологияларини жорий этиш” (2014)– 36 млн. долл. имтиёзли кредит

4. Қуйидаги йўналишлар бўйича бошқа лойиҳалар:

- иссиқлик ва гидроэлектр станцияларини қуриш ва модернизациялаш, электр узатиш линияларини қуриш

- автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш, бу учун қурилиш техникасини сотиб олиш;

- иссиқлик ва сув таъминоти тизимини реабилитация қилиш ва кенгайтириш.

Назорат учун саволлар:

1. Бозор иқтисодиётида молия институтлари ва уларнинг асосий турлари ҳақида гапириб беринг.
2. Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришда молия институтларининг роли ва функциялари қандай?
3. Кредит ташкилотлари ва уларнинг фаолиятини тавсифлаб беринг.
4. Тижорат банклари ва уларнинг ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантиришдаги роли нимада деб ўйлайсиз?
5. Микрокредит ташкилотлари ва уларнинг ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантиришдаги роли нимада деб ўйлайсиз?
6. Ломбардлар ва уларнинг молия институти сифатидаги фаолиятини тавсифлаб беринг.
7. Суғурта компаниялари ва уларнинг фаолиятини тавсифлаб беринг.
8. Инвестицион фондлар, инвестицион компаниялар ва уларнинг инфратузилмани ривожлантиришдаги фаолияти хусусида гапириб беринг.
9. Фонд биржалари ва уларнинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги иштироки қандай?
10. Лизинг компаниялари ва уларнинг молия институти сифатидаги фаолияти нимада?
11. Халқаро молия институтлари ва уларнинг инфратузилмани ривожлантиришдаги роли ва аҳамияти қандай?

10-мавзу. Касаба уюшмалар. Ишлаб чиқаришни ташкил этишда касаба уюшмаларнинг роли

Режа:

1. Касаба уюшмалари: тушунчаси, вазифалари, функциялари ва фаолияти принциплари.
2. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси фаолияти.
3. Ишлаб чиқаришни ташкил этишда касаба уюшмаларининг асосий ҳуқуқлари.
4. Касаба уюшмалари ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари.

1.Касаба уюшмалари: тушунчаси, вазифалари, функциялари ва фаолияти принциплари.

“Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқий эгадирлар”

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 34-модда

“Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийди”

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 59-модда

Касаба уюшмалари – бу фаолият тури бўйича, ишлаб чиқаришда, хизмат кўрсатиш соҳасида, маданият соҳасида умумий ишлаб чиқариш ва касбий манфаатлари билан боғланган фуқароларнинг кўнгилли жамоат бирлашувидир. Бундай бирлашмалар меҳнат муносабатларида ишловчилар ҳуқуқларини вакиллик ва ҳимоя қилиш, шунингдек ёлланма ишловчилар номидан кенгроқ вакиллик қилиш имконияти билан ташкилот аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш мақсадида ташкил этилади.

Касаба уюшмалари уставида белгиланган вазифа ва функцияларига эга бўлган ўзига хос жамоат ташкилоти сифатида жамиятнинг сиёсий тизимига киради. Касаба уюшмалари жамиятнинг йирик мустақил институти бўлиб, унинг фаолиятдан бозор муносабатларининг шаклланиши, ижтимоий йўналган давлатнинг вужудга келиши, иқтисодий демократиянинг ривожланиши боғлиқ бўлади. Касаба уюшмаларисиз ёлланма меҳнат хусусий тадбиркорлик, маъмурият ва давлатнинг ҳукмронлиги остида қолиши мумкин.

Касаба уюшмасининг мақсади – ўз аъзоларига бериладиган иш ҳақини оширилишини таъминлаш, уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш ва қўшимча тўлов ва имтиёзларга эга бўлиш.

Касаба уюшмаларининг энг муҳим вазифалари:

- Меҳнат шароитларини яхшилаш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш;
- Иш ҳақини ошириш. Бунга икки йўл билан эришиш мумкин:
 - 1) меҳнатга талабнинг ўчиши учун шароитларни яратиш ҳисобидан;
 - 2) меҳнат таклифини чеклаш учун шароитларни яратиш ҳисобидан.

Касаба уюшмаларининг функциялари:

1. Ҳимоялаш функцияси – касаба уюшмаларининг меҳнат соҳасида ишловчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини бузилишини огоҳлантириш ва уларни тиклашга, уларни базувчи кишиларни жавобгарликка тортишга йўналтирилган фаолияти.

2. Ишловчилар манфаатларини вакиллик қилиш функцияси – иш берувчига ишловчилар номидан уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш учун мурожаат қилиш.

3. Маданий-тарбиявий ва сиёсий функцияси - ўз аъзоларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий бошқарув органларини сайлашда иштирок этишда даъват этиш.

Касаба уюшмалари фаолиятининг асосий принциплари:

1. Ўз фаолиятида мустақиллик принципи – касаба уюшмалари ўз фаолиятида давлат бошқарув идораларидан, хўжалик идораларидан, сиёсий ва бошқа жамоат ташкилотларидан мустақилдирлар, улар олдида ҳисобдор эмаслар ва улар томонидан назорат қилинмайдилар.

2. Ўз-ўзини бошқариш принципи – ўз низомларини мустақил қабул қилиш ва ўз ички фаолиятини мустақил тартибга солиш.

3. Касаба уюшмаларига кўнгилли бирлашиш принципи – барча одамлар касаба уюшмалари бирлашиши мумкин.

4. Касаба уюшмаларининг тенг ҳуқуқлилиги принципи – барча касаба уюшмалари ва уларнинг бир даражадаги органлари аъзоларининг сонидан қатъий назар бир хил ҳуқуқларга эгалар.

5. Қонунийлик принципи – касаба уюшмаларининг

2.Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси фаолияти.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси - ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида касаба уюшма аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳамкорликда амалга ошириш ва ҳимоя қилиш учун бирлашган Ўзбекистон касаба уюшмаларининг касаба уюшма ташкилотлари ҳудудий (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳудудида амал қилувчи), тармоқ бирлашмалари билан ихтиёрий асосда тузилган Республика жамоат бирлашмасидир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси вазифалари:

1.Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг стратегия ва тактикасини ишлаб чиқиш, аъзо ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уларни мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

2.Ижтимоий шерикчилик тизимини ривожлантириш, иш берувчилар ва давлат ҳамда ижро ҳокимияти органлари, касаба уюшмаларнинг уч тарафлама ҳамкорлиги принципларини амалга оширишга кўмаклаш;

3.Иш берувчиларнинг республика бирлашмалари билан Бош келишувни ва Федерацияга аъзо ташкилотлар манфаатларига жавоб берадиган бошқа келишувларни ишлаб чиқиш ва тузиш ташаббуси билан чиқиш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;

4.Меҳнат муносабатларига оид халқаро шартномалар, конвенцияларни ратификация қилишга кўмаклашиш;

5. Меҳнат қонунчилиги, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, бошқа меҳнат ҳуқуқи нормалари мавжуд норматив ҳуқуқий ҳужжатлар устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

6. Инсоннинг муносиб ҳаёти ва эркин ривожланишини, ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлайдиган шароит яратишга йўналтирилган давлат ижтимоий дастурини ишлаб чиқиш ва шакллантириш;

7. Санаторий-курортларда даволаниш, болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш, маданият, туризм оммавий жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини ривожлантириш бўйича давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, бирлашмалар, ташкилотлар билан ўзаро алоқани ўрнатиш, касаба уюшмалари аъзолари ва уларнинг оилалари ўртасида соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш.

Аъзо ташкилотлар:

- Авиаходимлар касаба уюшмаси
- Транспорт, йўл ва капитал қурилиши, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси
- Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси
- Алоқа ходимлари касаба уюшмаси
- Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси
- Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси
- Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси
- Металлургия ва машинасозлик ходимлари касаба уюшмаси
- Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси
- Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси
- Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари (14 та)

3. Ишлаб чиқаришни ташкил этишда касаба уюшмаларининг асосий ҳуқуқлари.

Касаба уюшмалари ишлаб чиқаришни ва меҳнат муҳофазасини ташкил этишда қонунга мувофиқ қўйидаги асосий ҳуқуқларга эга:

1. Қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқишда қатнашиш ҳуқуқи - меҳнатга ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид қонун ҳужжатлари ишлаб чиқишда қатнашиш, бунга оид меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш тўғрисидаги таклифларни тегишли давлат бошқаруви, хўжалик ва кооператив идораларига тақдим этиш.

2. Меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя этиш ҳуқуқи - ўз аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя этиш, аҳолини иш билан таъминлаш давлат сиёсати ишлаб чиқилишида қатнашиш, маъмурият, мулкдор ёки улар вакил қилган бошқарув идорасининг ташаббуси билан иш жойларининг қисқартирилиши ёки иш шароитининг ёмонлашувига олиб келадиган

корхонани ва ундаги таркибий бўлинмаларни тугатиш, ишлаб чиқаришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиб қўйиш бўйича олдиндан хабардор бўлиш.

3. Музокаралар олиб бориш ва жамоат шартномалари, битимлари тузиш ҳуқуқи - маъмурият, мулкдор ёки улар вакил қилган бошқарув идораси билан жамоа музокаралари олиб боришда ва жамоа шартномалари, битимлари тузишда устувор ҳуқуққа эга бўлиш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш.

4. Меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ҳуқуқи - меҳнат шароити ва меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш хавфсизлигини таъминлашга, меҳнаткашларнинг уй-жой шароитига, уларни ижтимоий суғуртага, уларни соғлиқни сақлаш ва маданиятга тааллуқли манфаатларини ҳимоя қилиш.

5. Меҳнат ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунларга риоя этилишини назорат қилиш ҳуқуқи - маъмурият, мулкдор ёки улар вакил қилган бошқарув идораси меҳнат ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунларга риоя этишларини назорат қилиб бориш, аниқланган камчиликларни бартараф этишни талаб қилиш.

6. Меҳнат низоларини кўриб чиқиш ҳуқуқи - касаба уюшмаси аъзоси билан маъмурият ўртасида пайдо бўлган якка тартибдаги меҳнат низоларини кўриб чиқиш ва улар юзасидан қонунларга мувофиқ тегишли қарорлар қабул қилиш.

7. Меҳнат ва ижтимоий иқтисодий ривожланиш масалаларига доир маълумотлар олиш ҳуқуқи - маъмуриятдан, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви идораларидан меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан белгилаб қўйилган статистика ҳисоботи доирасида бепул маълумотлар олиш.

8. Маъмурият томонидан жамоа шартномаси бажарилишини назорат қилиш ҳуқуқи - маъмурият жамоа шартномаси шартларини бузувчи қарор қабул қилган тақдирда, ана шу қоидабузарликни бартараф этиш тўғрисида маъмуриятга тақдимнома киритиш.

4.Касаба уюшмалари ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари.

Халқаро ҳужжатлар:

- БМТ нинг “Инсон ҳуқуқлари умумий декларацияси” (1948 йил 10 декабрь): “Ҳар қандай одам касаба уюшларини яратиш ва ўз манфаатларини ҳимоялаш учун касаба уюшмаларига аъзо бўлиш ҳуқуқига эга” (п.4, 23-модда);
- “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пакт” (1966 йил): “Ушбу пактда иштирок этаётган давлатлар ҳар бир кишининг ўз иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоялаш учун касаба уюшмаларини ташкил этиш ва уларга ўз хоҳишига кўра аъзо бўлиш ҳуқуқларини таъминлашга мажбурдирлар” (п.1, 8-модда);
- “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пакт” (1966 йил, п.1, 22-модда);

- Европа ижтимоий Хартияси (5-модда);
- Халқаро меҳнат ташкилотининг 87-сонли “Уюшмалар эркинлиги ва уларни ташкил этиш ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида”ги Конвенцияси (1948 йил);
- Халқаро меҳнат ташкилотининг 98-сонли “Касаба уюшмаларига уюшиш ва жамоа музокараларини олиб бориш ҳуқуқи принципларини қўллаш тўғрисида”ги Конвенцияси (1949 йил);
- Халқаро меҳнат ташкилотининг “Касаба уюшмалари ҳуқуқлари ва уларнинг фуқаро эркинликлари билан ўзаро алоқаси тўғрисида”ги махсус Резолюцияси (1970 йил.)

Ўзбекистон Республикаси қонунлари:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (34-, 59-моддалар)
- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси (1995 йил 21 декабрь) – 21-28-моддалар
- “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун (1992 йил 2 июль)
- “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонун (1991 йил 15 февраль)
- “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонун (1999 йил 14 апрель)
- “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун (2007 йил 3 январь)

Назорат учун саволлар:

1. Касаба уюшмалари нима ва уларнинг қандай асосий вазифалари мавжуд?
2. Касаба уюшмалари фаолиятининг қандай асосий принциплари мавжуд?
3. Ишлаб чиқариш инфратузилмасида касаба уюшмалари ва унинг функциялари нимада?
4. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси фаолияти ва унинг вазифаларини тавсифлаб беринг.
5. Ишлаб чиқаришни ташкил этишда касаба уюшмаларининг қандай асосий ҳуқуқлари белгиланган?
6. Касаба уюшмаларини ишлаб чиқариш инфратузилмасини ташкил этиш ва ривожлантиришдаги роли қандай?
7. Ишлаб чиқаришни ташкил этишда касаба уюшмалари фаолиятининг қандай ҳуқуқий асослари бор?

11-мавзу. Минтақаларда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш йўллари

Режа:

1. Минтақаларда ишлаб чиқариш инфратузилмаси тушунчаси ва унинг асосий хусусиятлари.
2. Минтақа инфратузилмасини ривожлантиришда давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг роли.
3. Ўзбекистон ҳудудларида ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришда хорижий инвестициялар.

1.Минтақаларда ишлаб чиқариш инфратузилмаси тушунчаси ва унинг асосий хусусиятлари.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Бугун мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, иқтисодиётимизнинг сифат жиҳатдан янги, замонавий таркибий тузилмасини шакллантириш, ҳудудларимизни комплекс ривожлантириш бўйича барча режаларимизнинг муваффақиятли амалга оширилиши инфратузилма тармоқларини юксак суръатлар билан ривожлантиришга узвий боғлиқ”⁶.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси минтақа иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Минтақа ижтимоий-иқтисодий муҳитининг яшовчанлиги кўп жиҳатдан минтақа инфратузилмасининг ривожланиш даражасидан боғлиқдир.

Минтақа инфратузилмаси (ҳудудий инфратузилма) – бу минтақа ҳудудида моддий ишлаб чиқаришни самарали фаолият юритиши, барча турдаги товар ва ресурсларнинг эркин ҳаракатланиши ва аҳолининг нормал муҳитда яшаши учун зарурий шароитларни яратишни таъминлаб берадиган иншоотлар ва фаолият турлари комплекси.

Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги ва унинг рақобатдошлиги унда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожланиш даражасидан боғлиқдир.

Минтақаларда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг бозор муносабатлари тизимидан ўрни унинг қуйидаги уч энг муҳим функциялари билан белгиланади:

1) Тақсимлаш функцияси - инфратузилманинг товар-моддий захираларни, молиявий ва меҳнат ресурсларини тармоқлар ва минтақа ҳудудлари бўйлаб тақсимланишини таъминлашдаги қобилияти.

2) Коммуникацион функция – меҳнат маҳсулотларини (товар, хизматлар, ахборот ва ҳ.к.) тенг қийматли айирбошлашини ташкил этиш.

3) Тартибга солиш функцияси – турли-туман минтақвий бозорларда мувозанатлашган талаб ва таклифни тиклаш ва таъминлаш.

⁶ И.А.Каримов. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

Ушбу функцияларнинг ривожланмаганлиги ишлаб чиқариш фаолиятини тўхтаб қолишига ва иқтисодиётда салбий суръатларнинг ошишига олиб келиши мумкин.

Минтақаларда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг асосий хусусиятлари қуйидагилар:

1. Хизмат кўрсатишдаги аҳамияти. Инфратузилмани ташкил этувчи тармоқлар янги моддий бойликларни яратмайди. Инфратузилмани яратишга кетган харажатлар у хизмат кўрсатаётган ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг маҳсулотлари ҳисобидан қопланади (саноат, қишлоқ хўжалиги ва ҳ.к.).

2. Объектларни жойлаштириш зичлигининг нотекислиги. Минтақа инфратузилмаси бутун ҳудуд бўйича текис тақсимланиши мумкин эмас. Шу билан бирга, инфратузилма объектларини жойлаштириш даражаси бўйича кўпроқ ва камроқ ривожланган минтақалар ўртасидаги тафовут умумий иқтисодий ривожланиш бўйича кўрсаткичи сингари унчалик кучли эмас.

3. Минтақанинг инфратузилма сиғими. Минтақа инфратузилмаси муҳим даражада ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини ва унинг хўжалик сиғимини (қўшича харажатларни амалга оширмасдан янги корхона ва тармоқларни қабул қилиш қобилияти) белгилайди.

4. Миқдор жиҳатдан баҳолашнинг муҳимлиги. Инфратузилма объектларининг кўпгина қисми миқдор жиҳатдан баҳоланади (қуввати, узунлиги, қиймати, ўтказиш қобилияти, ҳажми, кучланиши ва ҳ.к.).

5. Ривожланишнинг комплекслиги. Минтақа инфратузилмаси ҳудудлардаги алоҳида тармоқларга эмас, балки асосан хўжалик комплексларига бутунлича хизмат кўрсатади, шунинг учун уни ривожлантиришда комплекс ёндашув тармоқли ёндашувга нисбатан кўпроқ самарали ҳисобланади.

6. Инерцияга асосланганлиги. Минтақа инфратузилмасида объектлар узоқ муддатни кўзлаб ишлатилади, шунинг учун уни ривожлантириш асосан мавжуд объектларларни тўлиқ сақлаган ҳолда уларда янги элементларни барпо этиш билан боғлиқдир. Бундай инерцияга асосланганлиги қулай ҳисобланади, чунки инфратузилмани тубдан реконструкция қилиш жуда катта харажатларни амалга оширишга олиб келади. Шунинг учун минтақа инфратузилмасининг мавжуд тизимлари истиқболли инфратузилма тизимларини ривожлантириш учун асос бўлиб ҳисобланади.

2. Минтақа инфратузилмасини ривожлантиришда давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг роли.

Замонавий бозор иқтисодиётида ишлаб чиқариш инфратузилмаси алоҳида ўрин эгаллайди ҳамда унинг ривожланиш даражасидан миллий иқтисодиётнинг барча структурали элементларини фаолияти самарадорлиги боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг мажбурий шарти бўлиб давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасидаги функционал-молиявий ваколатларни оқилона тақсимлаш ҳисобланади.

Давлат минтақаларда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга икки йўл билан таъсир этиши мумкин:

- 1) тўғридан-тўғри таъсир
- 2) билвосита таъсир

Давлатнинг минтақалар ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришда **тўғридан-тўғри таъсир этишда** унинг асосий функцияси бўлиб маҳаллий ҳокимият органларига зарурий функционал-молиявий ваколатларни топшириш ҳисобланади. Давлатнинг минтақалар ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришда **билвосита таъсири** махсус қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш, давлат буюртмалари, давлат имтиёзларини бериш, субсидиялар ва бошқа преференцияларни бериш йўли билан амалга оширилади.

Давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг минтақаларда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришдаги роли минтақавий сиёсатни амалга ошириш билан белгиланади. Бундай сиёсатнинг асосий вазифалари бўлиб устуворли йўналишларда ресурсларни жамланишини таъминлаш, давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари, фан, тадбиркорлик тузилмалари ва бошқа субъектларнинг ўзаро кооперацияси ва стратегик шериклиги учун зарурий шароитларни яратиш ҳисобланади.

Минтақаларда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни натижадорлиги нафақат инфратузилманинг ҳудуддаги табиий, тарихий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа шароитларга мослигидан, балки уни бошқариш самарадорлигидан ҳам боғлиқ.

Минтақа ишлаб чиқариш инфратузилмаси давлатнинг тартибга солиш ҳаракатлари таъсири остида шаклланади. У мулкчилик шаклига кўра икки қисмдан иборат: давлат ва хусусий. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг асосий қисми давлатга тегишли бўлади ва бюджет томонидан молиялаштирилади. Шундай бўлсада, ишлаб чиқариш инфратузилмасидаги давлат ва хусусий секторларининг нисбати бир томондан давлат сиёсати билан шакллантирилса, иккинчи томондан бозор субъектларининг тадбиркорлик фаоллиги билан шаклланади.

Минтақа ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришда давлат сиёсатининг мақсади – минтақа ишлаб чиқариш инфратузилмаси соҳасида хусусий бизнесни ривожлантириш учун шароитларни яратиш, хўжалик субъектларнинг манфаатларини тартибга солиш ва паст харажатларли ишлаб чиқаришни таъминлаш. Хусусий тадбиркорлар инфратузилма объектларини ривожлантиришдан бепул ва арзон хизматлар кўринишида фойда олишади. Буларнинг барчаси бизнеснинг фойдалилигини муҳим даражада оширишга ва мамлакатда капиталнинг жамғарилиш суръатларини тезлаштиришга имкон беради.

3.Ўзбекистон ҳудудларида ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришда хорижий инвестициялар.

Мамлакатда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, уни модернизация қилиш ва янгилаш чора-тадбирларини амалга оширишнинг муҳим шarti ва манбаи сифатида фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш зарур. Иқтисодиётимизга


жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми йилдан йилга ортиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан тузилган шартнома ва битимлар асосида 2014 йилда иқтисодиётимизнинг реал секторига 3 миллиард АҚШ долларидан ортиқ инвестиция киритиш кўзда тутилмоқда. Шунинг таъкидлаш керакки, бу маблағнинг 2 миллиард 180 миллион АҚШ долларидан ортиғи ёки 72 фоиздан зиёдини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этади.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни янада кенгроқ миқёсда жалб қилиш, уларни ўз маблағларини мамлакатимиз иқтисодиёти учун сарфлашга қизиқтириш мақсадида қонун асосида имтиёзли молиявий шароитлар яратилган.

Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг бир маромда фаолият юритиши ва инвесторларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши ва тартибга солиниши учун 50 дан зиёд тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган.

Мамлакатимиз ҳудудларининг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш республикамызда юритилаётган иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири бўлмоқда. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиши, турмуш шароитларининг яхшиланиши ҳам бевосита уларнинг иқтисодиёти ривожланиши билан боғлиқ. Мамлакат иқтисодиёти ҳудудлардан таркиб топган бир бутун тизимни ташкил этгани сабабли, унинг ҳар бир минтақасидаги ривожланишни таъминлаш мамлакатимизнинг узлуксиз тараққиётига замин яратади.



Расм. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни тартибга солиш бўйича меъёрий ҳужжатлар

Худудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишда вилоят ҳокимликларининг долзарб вазифалари:

- Худудий инвестиция Дастурларининг амалга оширилиши юзасидан самарали ва тизимли мониторинг ўтказиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.07.2008 йилдаги ПҚ-927-сонли қарорининг 1 ва 1а иловаларига мувофиқ қўшимча лойиҳа инвестицион таклифлари ва паспортларини доимий равишда ишлаб чиқиш бўйича ишлар олиб бориш;

- Инвестицион инфраструктура мавжуд худудларда хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда замонавий ишлаб чиқаришни ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратиш;

- бўш турган бино ва иншоотларни хатловдан ўтказиш ва улар негизда, хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда, замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш юзасидан инвестицион таклифлар ишлаб чиқиш;

- Марказий банк ва масалага алоқадор идоралар билан биргаликда ишбилармон доира вакиллари мавжуд хорижий кредит линиялари тўғрисидаги маълумотлар билан таништириш юзасидан семинарлар ташкил этиш;

- вилоятнинг инвестицион салоҳиятини кенг намойиш этувчи тақдимот материалларини тайёрлаш ва уларни доимий равишда янгилаб бориш;

- «Вилоят инвестиция салоҳияти» вэб-порталини ташкил этиш ва ундаги маълумотларни доимий равишда янгилаб бориш.

Назорат учун саволлар:

1. Минтақаларда ишлаб чиқариш инфратузилмаси тушунчаси ва моҳиятини тушунтиринг.
2. Минтақаларда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг бозор муносабатлари тизимидаги ўрни қандай?
3. Минтақаларда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг асосий хусусиятлари нимада?
4. Минтақа инфратузилмасини ривожлантиришда давлатнинг роли қандай?
5. Минтақа инфратузилмасини ривожлантиришда маҳаллий ҳокимият органларининг роли қандай?
6. Минтақа инфратузилмасини ривожлантиришда хусусий секторнинг ролини гапириб беринг?
7. Минтақа ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни қандай?
8. Ўзбекистон худудларида ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг қандай йўналишлари мавжуд?
9. Минтақаларда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг иқтисодий асосларини қандай тушунасиш?

12-мавзу. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси самарадорлигини ошириш

Режа:

1. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси самарадорлиги тушунчаси.
2. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси самарадорлигини ошириш омиллари.
3. Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг шарт-шароитлари.

1.Ишлаб чиқариш инфратузилмаси самарадорлиги тушунчаси.

Ҳар қандай жамиятда ҳам ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш иқтисодий тараққиётнинг асосини яратади.

Самара – бу, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат), фойда ва даромад ҳажмини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтириш ёки умуман, йўқ қилиш билан боғлиқ бўлган корхона фаолиятининг ижобий натижаларидир. Бу ютуқлар натурал шаклда ишлаб чиқариш самарасини, пул шаклида эса иқтисодий самарани тавсифлайди.

Иқтисодий самарадорлик - чекланган ресурслардан унумли фойдаланиб, товар ва хизматларга бўлган жамиятнинг чексиз талабини максимал қондиришдир.

Иқтисодий самарадорлик самарадорликка қараганда бир мунча тор маънони англатади. У қабул қилинаётган қарорларнинг хўжалик юритишда мақсадга мувофиқлигини тавсифлайди ҳамда барча ҳолларда самаранинг унга эришиш учун кетган харажатлар(ишлаб чиқариш ресурслари)га нисбати сифатида аниқланади. Харажатлар қанчалик кам бўлса (маҳсулот сифатига таъсир қилмаган ҳолда), самара шунчалик ортади, демак, иқтисодий самарадорлик ҳам ортади.

Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқариш самарадорлигини меҳнат шароитларини, унинг ижодкорлик мазмунини бойитиш, ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги фарқни йўқотишни инobatга олган ҳолда тавсифлайди. **Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик** бир вақтнинг ўзида, ишлаб чиқариш самарадорлигини кучайтириш, корхонанинг муваффақиятли фаолият юритиши, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва унинг барча қобилиятларидан фойдаланишнинг сабаб ва натижаси ҳисобланади. Бевосита ижтимоий самара, ходимларнинг билим ва малакаси, тажриба ва маданиятининг ўсиши, аҳоли соғлиғининг яхшиланиши ва умр кўришининг узайишида акс эттирилади.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг иқтисодий самарадорлиги – ишлаб чиқариш инфратузилмаси фаолиятининг натижалчилиги бўлиб, ишлаб чиқариш кучларининг эришган поғонасини ва улардан фойдаланиш даражасини ифода қилувчи хўжалик фаолият натижалари ва жонли ҳамда моддийлаштирилган меҳнат харажатлари ўртасидаги нисбатдир.

2.Ишлаб чиқариш инфратузилмаси самарадорлигини ошириш омиллари.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси самарадорлигини ошириш омиллари:

1. Фан ва техника тараққиёти
2. Тежамкорлик режими
3. Иқтисодиётнинг структурасини ўзгартириш
4. Ташкилий-иқтисодий омиллар

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси самарадорлигини оширувчи энг муҳим омиллардан бири – бу фан ва техника тараққиётидир. Охирги вақтларгача фан-техника тараққиёти эволюцион тарзда ривожланиб келди. Натижада амалдаги технологиялар такомиллашиб, машина ва ускуналар қисман замонавийлашди. Бундай натижа сезиларли, лекин кутилганидек эмас эди. Эркин бозор муносабатларини шакллантиришнинг ҳозирги шароитида фан ва техниканинг охирги ютуқлари асосида ишлаб чиқариш инфратузилмасининг барча тармоқларида янги техника ва технологияларни жорий қилишга қаратилган революцион ва сифатий ўзгаришларни амалга ошириш лозимдир.

Фан ва техника тараққиётининг асосий йўналишлари қуйидагилар:

- илғор технологияларни кенг ўзлаштириш: юқори босим ва таъсирчан кучлар қўлланиладиган мембранали, лазерли, плазмали технологиялар ва бошқалар;

- ишлаб чиқаришни автоматлаштириш - юқори меҳнат унумдорлигини таъминловчи робот техникалар, роторли ва ротор - конвейр линиялар, мосланувчан автоматлаштирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

- металл маҳсулотлар, пластик қоришма, композитлар, металл кукунлар, керамик ва бошқа прогрессив тузулишли материалларнинг янги шакллари яратиш ва ундан фойдаланиш.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси самарадорлигини оширувчи яна бир муҳим омил бу – тежамкорлик режими ҳисобланади. Ресурсларни тежаш ёнилғи, энергия, хом-ашё ва материалларга бўлган ўсиб боровчи талабни қондиришининг асосий манбаига айланади. Бу муаммоларни ечишда ишлаб чиқариш инфратузилмаси муҳим ўрин эгаллайди. Бу тармоқда хом-ашё ва ёнилғи-энергетик ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлайдиган машина ва ускуналарни жорий қилишни назарда тутди.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси самарадорлигини оширувчи омиллардан бири - иқтисодиётнинг структурасини такомиллаштириш. Фан-техника тараққиётини таъминлайдиган ва ижтимоий муаммоларни самарали ҳал қиладиган тармоқларни нисбатан юқори даражада ривожлантиришни ўз ичига олади..

Инвестицион сиёсат капитал қўйилмалар самарадорлигини оширишни таъминлашга қаратилган. Бунда маблағлар фан-техника тараққиётини тезлаштиришни таъминловчи тармоқлар фойдасига қайта тақсимланади. Маблағларнинг катта қисми фаолият кўрсатаётган корхоналарни техник қайта жиҳозлашга ва реконструкция қилишга йўналтирилади.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси самарадорлигини оширишда асосий ўринлардан бирини (бошқарувни ўз ичига оловчи) ташкилий-иқтисодий омиллар эгаллайди. Ижтимоий ишлаб чиқариш масшабининг ўсиши ва хўжалик алоқаларининг мураккаблашиши билан унинг роли ортиб боради. Энг аввало, бу ишлаб чиқариш инфратузилмасининг рационал шакллари ривожлантириш ва такомиллаштириш демакдир.

3.Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг шарт-шароитлари.

Назорат учун саволлар:

1. Ишлаб чиқариш инфратузилмасида самарадорлик тушунчаси нима ва унинг моҳияти қандай?
2. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси самарадорлигини ошириш омилларини санаб ўтинг.
3. Фан ва техника тараққиёти ишлаб чиқариш инфратузилмаси самарадорлигини ошириш омили сифатида изоҳланг.
4. Тежамкорлик режими ишлаб чиқариш инфратузилмаси самарадорлигини ошириш омили сифатида изоҳланг.
5. Иқтисодиётнинг структурасининг такомиллаштириш ишлаб чиқариш инфратузилмаси самарадорлигини ошириш омили сифатида изоҳланг.
6. Ташкилий-иқтисодий омиллар ишлаб чиқариш инфратузилмаси самарадорлигини ошириш омили сифатида изоҳланг.
7. Инфратузилма корхонасининг қандай рентабеллик кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усуллари мавжуд?
8. Инфратузилма корхонасининг қандай ликвидлик кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усуллари мавжуд?
9. Инфратузилма корхонасининг қандай молиявий барқарорлик кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усуллари мавжуд?

13-мавзу. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда инфратузилма хизматини баҳолаш

Режа:

1. Ишлаб чиқариш инфратузилмасини баҳолашда ишлаб чиқариш инфратузилмаси салоҳияти тушунчаси.
2. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ривожланиш даражасини баҳолаш кўрсаткичлари.
3. Ишлаб чиқариш инфратузилмасида меҳнат ва асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари.
4. Инфратузилма корхонасининг молиявий фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари.

1.Ишлаб чиқариш инфратузилмасини баҳолашда ишлаб чиқариш инфратузилмаси салоҳияти тушунчаси.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларини ривожланиш даражаси ишлаб чиқариш салоҳиятини, яъни тармоқларга хизмат кўрсатиш бўйича муайян иш ҳажминини бажариш имкониятини акс эттиради.

Ишлаб чиқариш салоҳияти – бу ишлаб чиқариш тизимларининг мавжуд ресурслар ва улардан фойдаланиш самарадорлиги билан шартланган моддий неъматларни ишлаб чиқариш ва жамият эҳтиёжларини қондиришдаги умумий қобилияти.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси салоҳияти – бу ишлаб чиқариш инфратузилмасининг мавжуд ресурслар ва улардан фойдааниш самарадорлиги асосида саноатни ривожлантиришни таъминлашдаги умумий қобилияти.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ривожланишини умумий салоҳияти бир қанча хусусий салоҳиятлардан таркиб топган:

- Молиявий салоҳият
- Ахборот салоҳияти
- Энергетика салоҳияти
- Транспорт салоҳияти
- Коммунал хўжалиги салоҳияти
- Тадбиркорлик хизматлари соҳаси салоҳияти

Молиявий салоҳият – бу давлатнинг жами молиявий имкониятлари бўлиб, улар давлатнинг маъмурий таъсири остида молиявий ресурсларга айлантирилади ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш мақсадларига хизмат қилади.

Ахборот салоҳиятининг ташкил этувчиларига корхоналар томонидан корпоратив ахборот тизимлари, интернет ва телефония хизматларидан фойдаланиш салоҳиятлари киради.

Энергетика салоҳияти электр энергетикаси, газ ва нефть таъминоти кўрсаткичлари орқали баҳоланади.

Транспорт салоҳиятини баҳолаш кўрсаткичларига автомобиль ва темир йўллари, қувур транспорти, шунингдек ҳаво алоқаси ва денгиз йўлларининг узунлиги ва юк ташиш қувватлари киради.

Коммунал хўжалиги салоҳият саноатнинг иссиқ ва совуқ сув, канализация, сиқик ҳаво ва мавсумий иситиш билан таъминланганлиги орқали аниқланади.

Тадбиркорлик хизматлари соҳаси салоҳияти дейилганда ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш хизматларининг буюртмачилари ва ижрочилари ўртасидаги талаб ва таклифнинг мавозанатлашгани тушунилади.

2.Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ривожланиш даражасини баҳолаш кўрсаткичлари.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожланиш даражасини баҳолаш учун қуйидаги талабларга жавоб берадиган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш лозим:

- Кўрсаткичлар ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларининг базисли тармоқлар фаолиятига таъсирини акс эттириши лозим;
- Кўрсаткичлар тизими иерархик поғонага эга бўлиши лозим;
- Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожланиш даражаси баҳоловчи умумий кўрсаткичлар тизими алоҳида тармоқларни ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини характерлайдиган хусусий кўрсаткичлар тизими билан тўлдирилиши лозим;
- Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ривожланиш даражасини баҳолаш комплекс характерга эга бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ишлаб чиқариш салоҳиятини характерловчи кўрсаткичлар:

- Тармоқда банд бўлган саноат-ишлаб чиқариш ходимларининг сони (киши);
- Тармоқдаги асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати (минг сўм);
- Тармоқнинг ишлаб чиқариш қуввати.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ишлаб чиқариш салоҳиятини сифат даражасини характерловчи кўрсаткичлар:

- Илғор жиҳозлар гуруҳининг солиштирма оғирлиги (%);
- Жиҳозларнинг ёш таркиби (йил);
- Жиҳозларнинг эскириш даражаси (%);
- Саноат-ишлаб чиқариш ходимларининг малака даражаси;
- Меҳнатнинг фонд, энергия, электр билан қуролланганлиги даражаси (%);
- Меҳнатнинг механизациялашув даражаси (%).

Ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш даражасини характерловчи кўрсаткичлар:

- Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффиценти;
- Саноат-ишлаб чиқариш ходимларининг меҳнат унумдорлиги;
- Фонд қайтими;
- Фонд сиғими;

- Хизмат кўрсатишнинг тўлиқлик коэффициенти.

3.Ишлаб чиқариш инфратузилмасида меҳнат ва асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари.

Меҳнат ва асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари қуйидагилар:

- ❖ Меҳнат унумдорлиги
- ❖ Меҳнат сарфи
- ❖ Фонд қайтими
- ❖ Фонд сиғими

Меҳнат унумдорлиги – бу бир ходим томонидан иш вақти бирлиги ичида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдори ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга иш вақтининг миқдори билан ўлчанган жонли меҳнат сарфининг самарадорлигидир.

$$МУ = Қ / Ч$$

Бу ерда:

МУ - меҳнат унумдорлиги;

Қ - маҳсулот ҳажми қиймат кўринишида;

Ч - ишловчилар (ишчилар) сони.

Меҳнат сарфи маҳсулот бирлигига сарфланган вақтни аниқлайди.

$$МС = Т / Қ$$

Бу ерда:

МС - меҳнат сарфи;

Т – ишланган вақт;

Қ - маҳсулот ҳажми қиймат кўринишида;

Меҳнат унумдорлигининг қуйидаги кўрсаткичлари мавжуд:

1. Бир ишчининг ўртача йиллик ишлаб чиқариши (маҳсулот ҳажмини ишловчиларнинг ўртача рўйхат сонига бўлиш йўли билан аниқланади);

2. Битта ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик ишлаб чиқариш (маҳсулот ҳажмини ишчиларнинг ўртача рўйхат сонига бўлиш йўли билан аниқланади);

3. Битта ишчига тўғри келадиган ўртача кунлик ишлаб чиқариш (бир кунлик маҳсулот ҳажмини барча ишчилар сонига бўлиш йўли билан аниқланади); битта ишчига бир соатга тўғри келадиган ўртача ишлаб чиқариш (бир соатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини барча ишчилар сонига бўлиш йўли билан аниқланади).

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлиги маҳсулотнинг фонд сиғими ва фонд қайтими кўрсаткичлари ёрдамида аниқланади. Бунда фонд қайтими корхона асосий фондларининг бир бирлигига тўғри келувчи ишлаб

чиқарилган маҳсулотни англатса, фонд сиғими эса фонд қайтимига тескари катталиқ бўлиб, янги асосий фондларни ташкил қилиш учун зарур бўлган капитал қўйилмаларни аниқлаш вазифасини бажаради.

Фонд қайтими асосий фондларнинг бир сўмига тўғри келувчи ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори (суммаси)ни кўрсатади.

$$\Phi_k = K / \Phi$$

Бу ерда:

K - маҳсулот ҳажми, қиймат пул кўринишида;

Φ – асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати.

Фонднинг сиғими – бу фонд қайтимининг тескари миқдори бўлиб, маҳсулот бирлигига асосий фондларнинг қандай суммаси тўғри келишини кўрсатади:

$$\Phi_c = \Phi / K$$

Бу ерда:

Φ – асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати.

K - маҳсулот ҳажми, қиймат пул кўринишида;

4.Инфратузилма корхонасининг молиявий фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари.

Корхона молиявий фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари қуйидагилар:

❖ Рентабеллик кўрсаткичлари

- Активлар рентабеллиги
- Хусусий капитал рентабеллиги
- Айланма капитал рентабеллиги
- Асосий воситалар рентабеллиги
- Умумий фаолият рентабеллиги

❖ Ликвидлик ва тўловга қобиллик кўрсаткичлари

- Тез ликвидлик коэффиценти
- Жорий ликвидлик (қоплаш) коэффиценти
- Мутлақ ликвидлик коэффиценти

❖ Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари

- Хусусий капитал концентрацияси (автономия) коэффиценти
- Молиявий боғлиқлик коэффиценти
- Хусусий капиталнинг манёврлиги коэффиценти

Рентабеллик кўрсаткичлари:

Активлар рентабеллиги = Соф фойда / Активларнинг ўртача йиллик қиймати

Хусусий капитал рентабеллиги = Соф фойда / Хусусий капиталнинг ўртача йиллик қиймати

Айланма капитал рентабеллиги = Соф сойда / Жорий активларнинг ўртача йиллик қиймати

Асосий воситалар рентабеллиги = Соф фойда / Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати

Умумий фаолият рентабеллиги = Соф фойда / Сотишдан тушган тушум

Ликвидлик ва тўловга қобиллик кўрсаткичлари:

Тез ликвидлик коэффиценти = (пул маблағлари + қисқа муддатли молиявий қўйилмалар + дебиторлар) / жорий мажбуриятлар

Жорий ликвидлик (қоплаш) коэффиценти = жорий активлар / жорий мажбуриятлар

Мутлақ ликвидлик коэффиценти = Пул маблағлари / жорий мажбуриятлар

Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари:

Хусусий капитал концентрацияси (автономия) коэффиценти = Хусусий капитал / Активларнинг жами қиймати

Молиявий боғлиқлик коэффиценти = Активларнинг жами қиймати / Хусусий капитал

Хусусий капиталнинг манёврлиги коэффиценти = Хусусий айланма маблағлар (яъни: жорий активлар – жорий мажбуриятлар) / Хусусий капитал.

Назорат учун саволлар:

1. Ишлаб чиқариш инфратузилмасини баҳолашда ишлаб чиқариш салоҳияти нимани аниқлатади?
2. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ривожланишини умумий салоҳияти ва унинг таркибини таъриф беринг.
3. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ривожланиш даражасини баҳолаш қандай кўрсаткичлар мавжуд?
4. Ишлаб чиқариш инфратузилмасида меҳнат ва асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш қандай кўрсаткичларини биласиз?
5. Инфратузилма корхонасининг молиявий фаолиятини баҳолаш қандай кўрсаткичлари мавжуд?

14-мавзу: Инфратузилма шаклланишининг хорижий тажрибалари

Режа:

1. Хорижий мамлакатларда инфратузилма тушунчаси ва унга оид қарашлар.
2. Ривожланган мамлакатларда инфратузилма активларини бошқариш тажрибаси.
3. Жаҳон рақобатбардошлик индекси ва унда инфратузилма ривожланиши кўрсаткичлари.

1.Хорижий мамлакатларда инфратузилма тушунчаси ва унга оид қарашлар.

Бугунги кунга қадар хорижий мамлакатларда инфратузилма тушунчасига турлича таърифлар шаклланиб келган.

Oxford English Dictionary (2009) да:

Инфратузилма (infrastructure) – бу жамият ёки корхонанинг фаолияти учун зарур бўлган асосий жисмоний ва ташкилий тузилмалар.

Артур Сулливан ва Стивен Шеффрининг “Иқтисодиёт тамойиллари ҳаракатда” (“Economics: Principles in Action”) китобида (2003):

Инфратузилма – бу иқтисодиётни ўз функцияларини бажариши учун зарур бўлган хизматлар ва объектлар.

Инфратузилма ибораси жамиятни таъминлаб турадиган йўллар, кўприклар, сув таъминоти, канализация, электр таъминоти, телекоммуникация каби техник иншоотлар сифатида қаралади. Шунинг учун, Жеффри Фулмер “Инфратузилма сўзи нимани билдиради?” номли мақоласида унинг қуйидаги таърифини келтирган (2009):

Инфратузилма – бу жамиятнинг турмуш шароитини қўллаб-қувватлаш ва яхшилаш учун муҳим бўлган товар ва хизматларни таъминлаб берадиган ўзаро боғлиқ тизимларнинг жисмоний компонентлари.

Etymology Dictionary га мувофиқ “инфратузилма” сўзи инглиз тилида 1927 йилдан буён ишлатилиб келинган ва дастлаб “ҳар қандай жараён ёки тизимнинг асосини шакллантирадиган қурилмалар” маъносини билдирган.

Хорижий мамлакатларда инфратузилма “қаттиқ” ва “юмшоқ” инфратузилма турларига ажратилади.

“Қаттиқ инфратузилма” дейилганда замонавий саноатлашган давлатнинг фаолият юритиши учун зарур бўлган йирик жисмоний тармоқлар тушунилади.

“Юмшоқ инфратузилма” дейилганда эса мамлакатнинг иқтисодий, соғлиқни сақлаш, маданий ва ижтимоий стандартларини қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган барча институтлар тушунилади (мас. молиявий тизим, таълим тизими, соғлиқни сақлаш тизими, давлат тизими, ҳуқуқни ҳимоялаш тизими ва ҳ.к).

Қаттиқ инфратузилма турлари:

Транспорт инфратузилмаси:

- Йўл ва магистрал йўллар тармоғи (ш.ж. кўприklar, туннеллар, йўл белгилари, йўл электр тизимлари ва ҳ.к.)
- Оммавий транспорт тизими (метро, автобус, трамвай, троллейбус)
- Темир йўл (ш.ж. темир йўл иншоотлари, станциялари, сигнал ва алоқа тизимлари)
- Каналлар ва кема сув йўллари
- Денгиз портлари ва маяклар
- Аэропорт, ш.ж. ҳаво навигация тизимлари
- Велосипед йўлаклари ва тротуарлар
- Паром ташувлари

Энергетика инфратузилмаси:

- Электр энергияси тармоғи (ш.ж. электрстанциялар)
- Табиий газ қувурлари
- Нефть қувурлари
- Махсус кўмир ташиш иншоотлари
- Буғ ва иссиқ сув ишлаб чиқариш ва таъминлаш тармоғи
- Транспорт воситаларини электр билан таъминлаш тармоқлари

Сув ресурсларидан фойдаланиш инфратузилмаси:

- Ичимлик суви таъминоти
- Канализация ва чиқинди сувларини йўқотиш
- Дренаж тизими
- Асосий ирригация тизимлари
- Сув тошқинини назорат қилиш тизимлари (дамба, насос станциялари)
- Қорларни тозалаш тизими
- Қирғоқ сувларини бошқариш тизими

Коммуникация инфратузилмаси:

- Почта хизмати
- Телефон тармоғи
- Мобиль телефон тармоғи
- Телевидение ва радио узатиш станциялари
- Кабель телевидениеси
- Интернет тармоғи
- Коммуникация йўлдошлари
- Денгизости кабеллари
- Асосий хусусий, давлат ва махсус телекоммуникация тармоқлари
- Пневматик почта тармоғи

Қаттиқ чиқиндиларни бошқариш инфратузилмаси:

- Маҳаллий ва қайта ишланадиган чиқиндиларни тўплаш
- Қаттиқ чиқиндиларни сақлаш жойи
- Қаттиқ чиқиндиларни ёқиш иншоотлари
- Ишлаб чиқариш чиқиндиларини утилизация иншоотлари

- Хавфли чиқиндиларни йўқотиш иншоотлари

Ерни мониторинг қилиш ва ўлчаш тармоқлари:

- Метеорологик назорат тармоқлари
- Сув кўтарилиши ва чекинишини назорат қилиш тармоқлари
- Сув оқими тезлигини назорат қилиш тармоқлари
- Сейсмография тармоқлари
- Ерни йўлдошдан кузатиш тизимлари
- Геодезия ўлчов тизимлари
- Глобал позициялаш тизими (GPS)
- Геоахборот инфратузилмаси (GIS)

Юмшоқ инфратузилма турлари:

Бошқарув инфратузилмаси:

- Давлат ва ҳуқуқни ҳимоялаш тизими
- Тез ёрдам ва авария хизматлари (полиция, ўт ўчириш, тиббий тез ёрдам, диспетчерлик хизматлари)
- Ҳарбий инфратузилма (ҳарбий базалар, буйруқ марказлари, коммуникация иншоотлари, стратегик резервлар)

Иқтисодий инфратузилма:

- Молиявий тизим (ш.ж. банк тизими, молиявий институтлар, тўлов тизимлари, биржалар)
- Асосий бизнес логистика иншоотлари (омборхоналар, юкларни бошқариш тизимлари)
- Ишлаб чиқариш инфратузилмаси (ш.ж. саноат парклари, махсус иқтисодий зоналар, стандартизация ташкилотлари)
- Қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва балиқчилик инфратузилмаси

Ижтимоий инфратузилма:

- Соғлиқни сақлаш тизими (ш.ж. касалхоналар, клиникалар, соғлиқни суғурталаш, дори воситаларини тартибга солиш ва синовдан ўтказиш тизими ва ҳ.к.)
- Таълим ва тадқиқот тизими (ш.ж. мактаблар, университетлар, махсус коллежлар, тадқиқот институтлари ва ҳ.к.)
- Ижтимоий таъминот тизимлари (ш.ж. давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва хусусий ҳомийлик)

Маданий, спорт ва ҳордиқ инфратузилмаси:

- Спорт ва ҳордиқ инфратузилмаси (ш.ж. истироҳат боғлари, спорт иншоотлари, спорт уюшмалари ва ҳ.к.)
- Маданий инфратузилма (ш.ж. концерт заллари, музейлар, кутубхоналар, театрлар, студиялар ва ҳ.к.)

- Бизнес саёҳат ва туризм инфратузилмаси (ш.ж. сунъий ва табиий аттракционлар, конференция марказлари, меҳмонхоналар, ресторанлар ва бошқа сервислар)

2.Ривожланган мамлакатларда инфратузилма активларини бошқариш тажрибаси.

Инфратузилма активларини бошқариш – (Infrastructure Asset Management) - бу жамият инфратузилмаси активларини (сувни тозалаш иншоотлари, канализация тармоқлари, йўллар, коммунал тизимлари, кўприклар ва темир йўллар) таъминлаб туришда қўлланиладиган стратегияларнинг интеграциялашган мажмуи.

Инфратузилма активларини бошқариш жараёнида асосий эътибор инфратузилма иншоотлари ҳаёт циклининг сўнгги босқичларига, хусусан, уларни таъминлаб туриш, ҳолатини тиклаш ва ўрнини алмаштиришга қаратилган. Инфратузилма активларини бошқариш молиявий эмас, балки кўпроқ жисмоний активларни (яъни мулкларни) бошқаришни назарда тутди.

Инфратузилма активларини бошқаришда инфратузилмани таъминлаб туриш стратегияларини ташкил этиш ва амалга оширишда асосан компьютер дастурларидан фойдаланилади. Бунда узоқ муддатли инфратузилма активларининг хизмат муддатини муҳофаза қилиш ва узайтириш каби асосий мақсад қўйилади. Бу эса жамият турмуш сифатини ҳамда иқтисодиёт самарадорлигини таъминлаб туришда муҳим асосий компонент бўлиб ҳисобланади.

Инфратузилма активларини бошқаришдаги муҳим жараёнлар ва вазифалар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) Индивидуал активлар (инвентарлар) бўйича ситематик қайдларни олиб бориш (мас. сотиб олиш харажатлари, бошланғич хизмат муддати, қолдиқ фойдали хизмат муддати, жисмоний ҳолати, ремонт ва тахминотнинг изчиллиги);
- 2) Активларни бутун қисмини режа бўйича сақлаш, ремонт ва алмаштириш орқали таъминлаб туриш учун муайян дастурни ишлаб чиқиш;
- 3) Ушбу тизимларни қўллаб-қувватлаш учун ахборот тизимларни амалга ошириш ва бошқариш (GIS - Геоахборот тизимлари).

Инфратузилма активларини бошқаришнинг асосий компонентлари:

1. Хизмат қилиш стандартини белгилаш
 - активлар қандай функцияларни бажариши бўйича ўлчанадиган спецификацияларни ўрнатиш
 - активлар ҳолатининг энг минимал даражасини ўрнатиш
2. Активларни бошқариш учун активларнинг бутун хизмат муддати мобайнидан кетадиган харажатларни белгилаш
3. Активларни бошқариш режасини ишлаб чиқиш

3. Жаҳон рақобатбардошлик индекси ва унда инфратузилма ривожланиши кўрсаткичлари.

Жаҳон рақобатбардошлик индекси Жаҳон иқтисодий форумининг ҳар йилги ҳисоботида чоп этиб борилади. Рақобатбардошлик индекси мамлакатларнинг ўз фуқаролари фаровонлигини юқори даражасини таъминлаб бериш қобилиятини баҳоланади. Ушбу индекс биринчи навбатда мамлакат ўзида мавжуд ресурсларини қанчалик самарали ишлатишидан боғлиқдир. Бунда эркин бозор шароитида турмуш даражасини таъминлаш учун, қоида тариқасида, мамлакатларга доимий равишда меҳнат унумдорлигини ва товарлар/хизматлар сифатини ошириб бериш талаб этилади.

Жаҳон рақобатбардошлик индекси қуйидаги 12 кўрсаткичлар гуруҳини ўз ичига олади:


1. Хусусий институтлар
- 2. Инфратузилма**
3. Барқарор макроиқтисодий муҳит
4. Соғлиқ-саломатлик ва бошланғич таълим
5. Олий таълим ва тренинг
6. Самарали товар бозорлари
7. Самарали меҳнат бозорлари
8. Молия бозорларининг ривожланганлиги
9. Технологик тайёргарлик
10. Бозор ҳажми
11. Бизнеснинг замон талабларига мувофиқлиги
12. Инновация

Инфратузилма ривожланганлик кўрсаткичларига қуйидаги 9 кўрсаткичлар киради:

1. Умумий инфратузилманинг сифати
2. Йўлларнинг сифати
3. Темир йўл инфратузилмасининг сифати
4. Порт инфратузилмасининг сифати
5. Ҳаво транспорти инфратузилмасининг сифати
6. Авиалинияларнинг мавжуд узунлиги
7. Электр таъминотининг сифати
8. Мобиль телефон алоқаси
9. Стационар телефон алоқаси

Назорат учун саволлар:

1. Хорижий мамлакатларда инфратузилма тушунчасига бўлган қандай қарашлар мавжуд?
2. Хорижий мамлакатларда транспорт инфратузилмасини изоҳлаб беринг.
3. Хорижий мамлакатларда энергетика инфратузилмаси тўғрисида гапириб беринг.

- 
4. Хорижий мамлакатларда сув ресурсларидан фойдаланиш инфратузилмасини тавсифлаб беринг.
 5. Хорижий мамлакатларда коммуникация инфратузилмаси хусусида гапириб беринг.
 6. Хорижий мамлакатларда қаттиқ чиқиндиларни бошқариш инфратузилмаси ҳақида сўзлаб беринг.
 7. Хорижий мамлакатларда ерни мониторинг қилиш ва ўлчаш инфратузилмаси нима эканлигини изоҳланг.
 8. Хорижий мамлакатларда бошқарув инфратузилмасини тавсифлаб беринг.
 9. Хорижий мамлакатларда иқтисодий инфратузилмани тушунтиринг.
 10. Хорижий мамлакатларда ижтимоий инфратузилма хусусида гапириб беринг.
 11. Хорижий мамлакатларда маданий, спорт ва ҳордиқ инфратузилмасини изоҳлаб чиқинг.
 12. Ривожланган мамлакатларда инфратузилма активларини бошқариш тажрибаси тўғрисида нима дея оласиз?
 13. Жаҳон рақобатбардошлик индекси нима ва унда инфратузилма ривожланишнинг қандай кўрсаткичлари мавжуд?